

Ободликни одамлар энди йўқотиб қўймайди

2-с.

Тарбиянинг илдизи кўринмас, меваси илк қадамдаёқ намоёндир

6-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2026 ЙИЛ
21 ОКТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

№85
(2413)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

21 ОКТЯБРЬ —
ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

“МАҲАЛЛАДА, АЛБАТТА, ЎЗБЕКЧА СЎЗЛАШАМИЗ!”

Тил — миллатнинг юраги, унинг асрлар оша яшаб келаётган руҳи, ўтмиши ва келажагини боғлаб турувчи муқаддас риштадир. Инсон илк бор оламни она алласи, она тилининг меҳрга йўғрилган садолари орқали танийди. Шу тилда севинади, орзу қилади, дардини айтади ва қалбидаги энг эзгу туйғуларини ифода этади. Бинобарин, она тилини асраш — миллатнинг ўзлигини, маънавияти ва қадр-қимматини асраш демакдир.



Ўзбек тили — асрлар синовидан ўтиб, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келган бебаҳо маънавий хазина. Унда халқимизнинг тарихи, орзу-интилишлари, урф-одатлари ва ҳаёт тажрибаси мужассам. Алишер Навоийдек буюк сўз санъаткорлари тилимизнинг беқиёс имкониятларини бутун дунёга намоён этди. Бобур, Огаҳий, Фурқат, Муқимий каби ижодкорлар бу маънавий меросни янада бойитиб, авлодлар қалбига муҳрлади.

1989 йил 21 октябрда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимиз тарихида унутилмас воқеа бўлди. Бу шунчаки ҳуқуқий қарор эмас, балки миллий ғурур ва ўзликни англаш йўлидаги тарихий қадам эди. Ушбу воқеа халқимизнинг она тилига бўлган меҳри, уни асраб-авайлаш йўлидаги интилиши ва орзу-умидларининг ифодасига айланди.

Давоми 3-саҳифада.

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА МАСЪУЛИЯТИ — РАИС ФАОЛИЯТИНИНГ ЮКСАК МЕЗОНИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси жорий йилнинг учинчи чораги — июль-сентябрь ойлари якунлари бўйича фаолияти энг намунали маҳаллаларнинг “ТОП-100” талик рейтингини эълон қилди.

Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармонига асосан, **маҳалла раислари рейтингини** шакллантириш ва уни **“Mahalla” газетасида** эълон қилиб бориш тизими йўлга қўйилган. Бу жараёнда асосий эътибор раҳбарнинг фаолиятини фақат бажарилган ишлар ҳажми билан эмас, балки уларнинг натижаси, аҳолига таъсири ва белгиланган вазифалар ижроси билан баҳолашга қаратилган.

Рейтингда маҳалла раисларининг фаолияти **11 та асосий кўрсаткич** асосида таҳлил қилинди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мамлакатдаги **8 992 нафар маҳалла раисининг** фаолиятини ўрганиш жараёнида **бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, жиноятчилик ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш, низоли оилалар билан ишлаш** масалаларига эътибор қаратди.

Шунингдек, **мурожаатларни ҳал этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларидан фойдаланиш, ҳокимларга юборилган таклиф ва хатлар ижроси, аҳолини спортга жалб этиш ҳамда “Рақамли маҳалла” платформасидан фойдаланиш** даражасини инобатга олди.

Давоми 2-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Фақат бандлик эмас, билим ва салоҳият ривожи — энг катта натижа

Келгусида ҳар бир ёшнинг муаммосига бефарқ бўлмай, уларнинг қобилияти ва интилишига мос ечим топишга ҳаракат қиламан. Зеро, етакчининг вазифаси ёшларнинг мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши учун зарур шароит яратишдан ҳам иборатдир.

2-с.

Барча учун бир хил дастур натижа бермаяпти

Хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги Тошкент шаҳрида 83,8 фоизни, Навоий вилоятида 75,7 фоизни, Андижон вилоятида 71,7 фоизни, Тошкент вилоятида 70,7 фоизни, Хоразм вилоятида эса 68,8 фоизни ташкил этган.

6-с.

Дипломгача тўрт йил, аммо тажрибага қачон вақт топилади?

Талабани корхонага бириктиришнинг ўзи етарли эмас. Унга аниқ вазифалар берилиши, эгаллаган кўникмалари баҳоланиши ва касбий ўсиши кузатиб борилиши лозим. Корхоналар ҳам талабани келажакдаги малакали мутахассис сифатида кўриши керак.

7-с.

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ МАҚОМИ БОР, ҚЎЛЛАНИШ ТАРТИБИ-ЧИ?



Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига бугун ўттиз етти йил тўлди. Аммо шу ўттиз етти йил давомида бир савол ҳар доим кўндаланг турибди: биз давлат тилига мақом бердик, лекин унинг давлат ва жамият ҳаётидаги нуфузини тўлиқ таъминлай олдикми?

Ҳар йили шу сана арафасидаги нуфузли тадбир-ру тантаналар, тилимизга оид оташин таърифу таснифлардан сўнг кундалик ҳаёт яна “ўз изи”га тушади: идораларда тушунарсиз жумлалар, кўчаларда аралаш ёзувлар, савдо шохобчаларида хорижий номлар, интернетда имлоси бузилган матнлар, расмий ҳужжатларда эса бир тилдан иккинчисига кўчирилган қолиплар...

Бундан бир муддат аввал газетамиз саҳифаларида масъуллар эътиборини тортиш ва таъсирчан чоралар кўришга ундаш мақсадида бир мулоҳаза янграган эди: **“Агар тилга муносабатимиз мана шундай давом этадиган бўлса, келинг, ўзбек тилидан бутунлай воз кечиб қўя қолайлик!”** Бу жуда кескин, юрагимизга оғир ботадиган гап, лекин бугунги воқелик бизни мана шу мантиқий нуқтага суриб бораётгандек. Биз йилда бир кун тилни улуғлаб, қолган 364 кунда уни тизимли равишда таҳқирлашда, ўз қўлимиз билан четга суришда давом этаётгандекмиз.

Тилдан воз кечиш асло мумкин эмас. Аммо уни асраётгандек кўриниб, амалда ўз ҳолига ташлаб қўйишни қандай мезон билан оқлаб бўлади?

Давоми 3-саҳифада.

7



“Хўжайин” деб кимга хитоб қиляпмиз?

8



Автомобилни ўз номига ўтказиш нега қимматга тушади?



Самарқандда АҚШ делегацияси ташрифи доирасида ўзбекистонлик ва америкалик ҳамкорлар 12 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК 54 ТА КЕЛИШУВНИ имзолади.



НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ “ФАРОВОН” МАҲАЛЛАСИДА “Тозалик ва озодалик долзарб икки ойлиги” доирасида экологик акция ташкил этилди.



УРГАНЧ ТУМАНИДАГИ “КИЛЛАВУТ” МАҲАЛЛАСИДА 30-70 ёшдаги аёллар ўртасида “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари ўтказилди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Намунали маҳалла масъулияти — раис фаолиятининг юксак мезони

Исломиддин ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи.



Эътиборли жиҳати, мезонлар маҳалла раисининг вазифаларини бир неча муҳим йўналишда баҳолаш имконини беради. Айрим кўрсаткичлар ижтимоий муаммоларнинг камайишини, бошқалари аҳоли билан ишлаш ва ташаббусларни амалга ошириш самарадорлигини, яна бир қисми эса бошқарув жараёнининг қанчалик тизимли ташкил этилганини кўрсатади. Демак, рейтингнинг аҳамияти фақат энг юқори натижа кўрсатган маҳаллаларни аниқлашда эмас, балки самарали бошқарувнинг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатишида ҳам намоён бўлади.

Рейтингда барча ҳудудлардан маҳаллаларнинг ўрин олгани ижобий ҳолат. Қорақалпоғистон Республикасидан — 5 та, Андижон вилоятидан — 9 та, Бухоро вилоятидан — 6 та, Жиззах вилоятидан — 4 та, Қашқадарё вилоятидан — 9 та, Навоий вилоятидан — 4 та, Наманган вилоятидан — 8 та, Самарқанд вилоятидан — 10 та, Сирдарё вилоятидан — 4 та, Сурхондарё вилоятидан — 8 та, Тошкент вилоятидан — 10 та, Фарғона вилоятидан — 10 та, Хоразм вилоятидан — 6 та, Тошкент шаҳридан — 7 та маҳалла “ТОП-100” таликдан жой олди.

Ҳудудлар ўртасидаги бундай тақсимот рейтинг мамлакатнинг турли минтақаларида самарали ишлаётган маҳаллалар тажрибасини кўрсатиш имконини бераётганини англатади. Бироқ бу натижаларни барча ҳудудлардаги маҳаллаларнинг иш самарадорлиги бир хил даражага етгани сифатида баҳолаш тўғри бўлмайди. Аксинча, юқори натижа қайд этган маҳаллаларнинг иш услубини ўрганиш, улардаги самарали ёндашувларни бошқа ҳудудларда ҳам қўллаш имкониятларини излаш муҳим.

Рейтингда 8 992 та фуқаролар йиғинининг **4 544 таси “намунали” маҳалла** сифатида қайд этилган. Бу умумий маҳаллалар сонининг қарийб 50,5 фоизини ташкил этади. Демак, маҳаллаларнинг ярмидан кўпроғида барқарор ижобий натижаларга эришиш учун ҳали имкониятлар мавжуд.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, қолган маҳаллалардаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун фақат талабни кучайтиришнинг ўзи етарли бўлмайди. Аввало, натижага тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, бошқарувдаги камчиликларни ўрганиш ва ҳар бир ҳудуднинг шароитига мос ечимларни ишлаб чиқиш зарур.

Айниқса, юқори натижага эришишга хизмат қилган бошқарув усуллари, “маҳалла еттилиги” аъзолари ўртасидаги ҳамкорлик, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш амалиётини чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Муҳими, бундай тажриба фақат ҳисобот ёки тақдимотларда қолиб кетмасдан, бошқа ҳудудлар фойдалана оладиган амалий тавсияларга айланиши керак.

Туман ва шаҳарлар кесимидаги натижалар ҳам маҳалла бошқарувининг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлашга ёрдам беради. Айниқса, битта ҳудуддаги маҳаллаларнинг катта қисми бирдек юқори натижа кўрсатиши алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки бу ҳолат фақат айрим ташаббускор раисларнинг шахсий саъй-ҳаракатлари билан чекланиб қолмасдан, ҳудуд миқёсида ҳамкорлик ва ишни ташкил этишнинг муайян усуллари шаклланганини кўрсатади.

Шу билан бирга, барча маҳаллаларнинг “намунали” деб баҳоланиши ҳар бир муаммо тўлиқ ҳал этилганини англатмайди. Рейтинг натижаларини аҳолининг қониқиш даражаси, мурожаатларнинг такрорийлиги ва ижтимоий муаммоларнинг ҳақиқий ўзгариши билан қиёслаш бошқарув самарадорлигига янада холис баҳо бериш имконини яратади.

Рейтингнинг энг юқори ўринларини эгаллаган маҳаллалар тажрибаси бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Ромитан туманидаги **“Қизилравот”** маҳалласи 96,4 балл, шу тумандаги **“Истиқлол”** маҳалласи 95,3 балл, Бахмал туманидаги **“Сарой”** маҳалласи 93,4 балл, Бувайда туманидаги **“Янгиқишлоқ”** маҳалласи 93,1 балл, Ургут туманидаги **“Жозмон”** маҳалласи эса 93,0 балл тўплаган.

Ушбу натижалар мазкур маҳаллалардаги ишларни ташкил этиш тажрибасини ўрганишга асос беради. Бу жараёнда рақамларни юзага келтирган иш усулларини ўрганиш муҳим. **Қайси муаммо қандай аниқланди, кимлар ҳамкорликда ишлади, қандай манбалар жалб қилинди ва қандай натижага эришилди** — тажрибанинг бошқа ҳудудлар учун қиймати ана шу саволларга берилган жавобларда намоён бўлади.

Мухтасар айтганда, учинчи чорак якунлари бўйича эълон қилинган “ТОП-100” рейтинги маҳалла бошқарувини баҳолашда натижага асосланган ёндашув муҳим ўрин тутаётганини кўрсатади. Ҳудудлар ва маҳаллалар кесимидаги рақамлар эришилган ютуқларни аниқлаш, самарали тажрибани ўрганиш ва қўшимча эътибор талаб этадиган йўналишларни белгилаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, **юқори натижа кўрсатган маҳаллалар тажрибасини оммалаштириш, қолган маҳаллаларнинг муаммоларини аниқ таҳлил қилиш ва рейтинг кўрсаткичларини аҳоли ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришлар билан боғлаш** устувор вазифа бўлиб қолади. Маҳалла раисининг фаолияти ҳам, “еттилик”нинг ҳамкорлиги ҳам, туман ва шаҳар даражасидаги мувофиқлаштириш ишлари ҳам, энг аввало, шу мақсадга хизмат қилиши керак.

Учинчи чоракда энг намунали деб топилган “Топ-100” талик маҳаллалар рўйхати билан 4-5 саҳифаларида батафсил танишишингиз мумкин. Шунингдек, газетамизнинг навбатдаги сонларидан бошлаб, “Сизнинг қандай ташаббус ва тажрибангиз бор?” рукни остида мазкур маҳаллалар раисларининг ўзига хос тажрибалари, “еттилик” фаолиятини ташкил этишдаги ёндашувлари, таклиф ва мулоҳазалари акс этган мақолаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА”

Ҳар бир маҳаллада одамларнинг орзу-умидлари, хотиралари ва кундалик ташвишлари мужассам. Уйчи туманидаги “Ҳожиобод” маҳалласида бугун амалга оширилаётган ишлар эса бир ҳақиқатни кўрсатмоқда: инфратузилмадаги ўзгариш инсоннинг кундалик ҳаётида сезилгандагина ўз қийматини топади.

Ободликни одамлар энди йўқотиб қўймайди

Авазжон ЭРГАШБОЕВ,
Уйчи туманидаги “Ҳожиобод” маҳалласи раиси.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” тамойили асосида йиғинимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Маҳаллани замонавий ва намунали ҳудудга айлантириш учун **5 миллиард сўм** маблағ йўналтирилди. Ишларни белгилашда аҳоли эҳтиёжлари ва мавжуд муаммоларни асос қилиб олдик. Зеро, маблағнинг самараси одамларнинг қайси муаммоси ҳал бўлгани билан ўлчанади.

Шу ўринда “Ҳожиобод”нинг аввалги манзараси ҳақида икки оғиз. Маҳаллада кундалик турмушга таъсир қилаётган муаммолар кўп эди. Ички кўчаларда ёмғирли ва қорли кунлари юриш қийинлашар, ичимлик сув тармоги етиб бормаган хонадонлар эса бу эҳтиёжни ҳудуддаги канал ва ҳатто ариқлардан қондиришга мажбур эди. Пиёдалар йўлаклари, тунги ёритиш мосламалари етишмаслиги ҳам одамлар учун қўшимча ноқулайлик тугдирарди. Бу муаммоларнинг ҳар бири одамлар ҳаётига бевосита таъсир қилар, уларни ҳал этиш эса кечиктириб бўлмайдиган вазифа эди.

Шу боис дастлаб **йўл, ичимлик сув ва пиёдалар ҳаракати** билан боғлиқ муаммоларга киришдик. Хусусан, маҳалланинг Шифокор-1 ва Шифокор-2 кўчаларидаги **5 километр ички йўл** асфальтланди. Энди ёмғирли ва қорли кунларда ҳам бу кўчаларда ҳаракатланиш анча қулай. Маҳаллага **1 километр 800 метр** янги сув тармоғи тортилиб, 150 та хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланди. Пиёдалар ҳаракати учун **1 километр 756 метр йўлак** барпо этилди. Кўчаларни тунги ёритиш мақсадида **119 та ёритиш мосламаси** ўрнатилди. Натижада аҳоли учун куннинг ҳар икки қисмида ҳам қулай ҳаракатланиш шароити яхшиланди.

Ёмғир сувларининг тўпланиб қолишининг олдини олиш учун Боғ кўча ва Мактаб кўчаларида **900 метр лоток ариқ** ўрнатилди. Айни пайтда хонадонлар олдида сув оқова йўлларини ташкил этиш ва асфальт четларини бетонлаштириш ишлари давом этмоқда. Ҳудуд тозалигини сақлаш учун эса **44 та чиқинди қутиси** ўрнатилди.

Бу жараёнда аҳолининг ўзи ҳам бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчисига айланди. Маҳалладаги ўзгаришлардан руҳланган фуқаролар ҳашар ташкил этиб, яна иккита ички кўчага бетон қоплама ётқизишди.

Албатта, қурилган йўл ва ўрнатилган мосламаларнинг ўзи етарли эмас. Уларнинг ҳолатини сақлаш, сув оқова тизимларини чиқинди ва лойдан тозалаб туриш каби оддий, аммо муҳим ишлар ҳам доимий эътибор талаб қилади. Шунинг учун маҳалла фаоллари ва кўча бошлари билан биргаликда ҳар бир кўчанинг ҳолатини кузатиб бориш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш тартибини йўлга қўйишни муҳим, деб ҳисоблайман.



Кейинги ишлар режасида ҳам аҳоли фикрига таянамиз. Қайси кўчада таъмирталаб жой борлиги, қаерда ёритиш ёки сув оқова тизими билан боғлиқ муаммо сақланиб қолаётганини хонадонма-хонадон ўрганиб, устувор вазифаларни белгилаб борамиз. Бунда бажарилган ишларнинг сифати ва узоқ муддат хизмат қилишига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бугун “Ҳожиобод”га келган киши унинг аввалги ва бугунги манзараси ўртасидаги яққол фарқни сезади. Эндиги муҳим вазифа — бунёдкорлик ишларининг самарасини сақлаб қолиш, одамларда дахлдорлик туйғусини кучайтириш. Энг муҳими, ҳашар ва аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлашда давом этамиз. Давлат яратиб бераётган имкониятлар фуқароларнинг фаоллиги билан уйғунлашса, маҳалладаги ўзгаришлар янада жадаллашади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Фақат бандлик эмас, билим ва салоҳият ривожи — энг катта натижа



Маҳаллада ёшлар билан ишлашда энг муҳим тамойилим — ҳар бир йигит-қизнинг имконияти, қизиқиши ва муаммосини алоҳида ўрганиш. Чунки бир ёшни ишга жойлаштириш орқали қўллаб-қувватлаш мумкин бўлса, бошқасига касб ўрганиш, яна бирига эса ўз бизнесини бошлаш учун шароит яратиш керак. “Миришкор” маҳалласидаги фаолиятим давомида айнан шу ёндашув яхши самара бераётганини кўрдим.

Сабина АҲМЕДОВА,
Самарқанд туманидаги “Миришкор” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Йил бошида ишсиз сифатида рўйхатда турган ёшлар билан индивидуал суҳбатлар ўтказиб, уларнинг касбий салоҳияти, қизиқишлари ва оилавий шароитини ўргандик. Натижада 15 нафар йигит-қиз тадбиркорлар билан ташкил этилган учрашувлардан сўнг мебель цехи ва асфальт ишлаб чиқариш мажмуасига ишга жойлаштирилди. Яна 16 нафарининг доимий бандлиги таъминланди. Айрим ёшларга имтиёзли кредит, субсидиялар асосида асбоб-ускуналар ажратилди, бошқалари касб-ҳунарга йўналтирилди.

Йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам устувор йўналишлардан. Маҳалламизда 17 нафар ёшга жами 230 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик. Бунинг натижасида улар хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва ҳунармандчилик йўналишларида ўз фаолиятини бошлаш имконига эга бўлди. Хусусан, меҳнат миграциясидан қайтган 28 ёшли Диёр Ўролбоевнинг тажрибаси эътиборга молик. У юртимизда ўз ишини йўлга қўйиб, оиласи учун барқарор даромад манбаи яратишни мақсад қилган эди. Имтиёзли кредит олишда кўмаклашганимиздан сўнг, у автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасини очди. Бугун бу фаолият нафақат ўзига даромад келтирмоқда, балки яна икки нафар ёшнинг доимий иш билан таъминланишига ҳам хизмат қиляпти.

“Ёшлар дафтари”га киритилган, кўмакка муҳтож ёшлар билан ишлашда ҳам уларнинг эҳтиёжидан келиб чиқамиз. Ҳомийлар ёрдамида Гулсанам Тилабовага тикув машинаси, Шаҳбоз Абдувоҳидовга эса пайвандлаш мосламаси олиб берилди. Натижада улар ўз касби орқали даромад топиш имкониятига эга бўлди. Менимча, бундай ёрдамнинг энг катта қиймати — ёшларнинг ўз меҳнати билан оёққа туришига туртки беришидир.

Маҳалла ёшларининг фақат бандлиги эмас, балки билим ва салоҳиятини ривожлантириш ҳам муҳим. “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида улар шахмат, шашка, китобхонлик ва ижодий танловларда муносиб натижаларга эришяпти. Мактаб кутубхонасининг ҳомийлар кўмагида 420 та янги бадиий адабиёт билан бойитилгани ҳам ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилаётир.

Келгусида ҳар бир ёшнинг муаммосига бефарқ бўлмай, уларнинг қобилияти ва интилишига мос ечим топишга ҳаракат қиламан. Зеро, етакчининг вазифаси фақат муаммоларни аниқлаш эмас, ёшларнинг ўз имкониятларига ишониши, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши ва маҳалла тараққиётига ҳисса қўшиши учун зарур шароит яратишдан ҳам иборатдир.



ҚАМАШИ ТУМАНИ МАҲАЛЛАЛАРИДА эҳтиёжманд оилаларга субсидия асосида 274 та сув насоси топширилди.



Меҳнат соҳасида ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ бўйича намунавий қоидалар тасдиқланди.



“YOSHLAR VENTURES” ЖАМҒАРМАСИДАН 4 та жамоа АҚШнинг нуфузли акселерация дастурларига қабул қилинди.

Mahalla №85 2026 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Давлат хизматчиси ҳам, ҳуқуқшунос ҳам, иқтисодчи ҳам, журналист ҳам ўз соҳасидаги фикрни аниқ ва равон баён қила олиши керак

21 ОКТЯБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

“Маҳаллада, албатта, ўзбекча сўзлашамиз!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Лочин ОБЛАҚУЛОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи.

Замон шиддат билан ўзгараётган бугунги даврда ўзбек тилининг нуфузини янада ошириш, уни замонавий илм-фан ва ахборот технологиялари тили сифатида ривожлантириш муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун тилимизни янги атамалар билан бойитиш, электрон манбаларни кўпайтириш, давлат тилида иш юритиш маданиятини юксалтириш ва ёшларимизнинг саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Она тилини эъзозлаган инсон ўз тарихини, қадриятларини ва Ватанини ҳам қадрлайди. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, деган ҳикматли сўзлари бугун ҳам қалбларимизни ҳушёрликка чорлайди.

Тилимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам ортиб бормоқда. Хорижий давлатлар билан расмий учрашувлар, музокаралар ва халқаро анжуманларда **ўзбек тилининг тобора кўпроқ намоён бўлаётгани** ҳар биримизга ғурур бағишлайди. Бу жараён тилимизнинг нафақат миллий мулоқот воситаси, балки халқаро ҳамкорлик ва маданий алоқаларни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин эгаллаётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, **она тилимизнинг бугунги мақоми бизни янада кўпроқ масъулиятга чорлаши лозим**. Хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, банк-молия тизими ва бошқа муҳим соҳаларда ўзбек тилининг имкониятларини кенгайтириш, замон талабларига мос атамаларни ишлаб чиқиш, изоҳли, этимологик ва қиёсий луғатларни кўпайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Давлат тилида иш юритиш маданиятини юксалтириш, расмий ҳужжатларда адабий тил меъёрларига риоя қилиш ва ёшларнинг тил саводхонлигини ошириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга.



Бу жараёнда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан маҳаллаларда давлат тилининг нуфузини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида она тилига ҳурмат туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида **“Она тилим — ифтихорим”, “Давлат тили — миллий қадриятимиз”** мавзуларида давра суҳбатлари, учрашувлар, маърифий кечалар ташкил этиляпти. Йиғинлардаги эълонлар, пешлавҳалардаги ёзувларнинг давлат тили меъёрларига мувофиқлиги ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиляпти.

Шу билан бирга, туман ва шаҳар бўлимлари масъуллари, “маҳалла еттилиги” вакиллари, фаоллар иштирокида умуммиллий диктант ёзиш амалиётлари ўтказилмоқда. Жойларда **“Маҳалламизда ўзбекча сўзлаймиз”** акцияси доирасида давлат тилида мулоқот қилиш маданияти тарғиб қилиняпти, энг яхши иншо, шеърхонлик, ифодали ўқиш, мақол ва ҳикматли сўзларни шарҳлаш бўйича беллашувлар ташкил этиляпти. **“Бир кун — бир янги сўз”** ташаббуси асосида кундалик ҳаётда ишлатиладиган хорижий сўзларнинг ўзбекча муқобилларини ўрганиш ва уларни нутқда тўғри қўллаш оммалаштириляпти.

Маҳалла кутубхоналарида эса она тилининг тарихи, бой луғат захираси, мумтоз ва замонавий адабиёт намояндалари ижодига бағишланган суҳбатлар ўтказиш, **маҳалла эълонлари, таклифномалар, ижтимоий тармоқлардаги хабарларнинг** имловий ҳамда услубий жиҳатдан тўғри бўлишини таъминлаш, **унутилган сўзлар, шеваларга хос бойликлар, халқ оғзаки ижоди намуналарини** тўплаш ва ёшларга етказиш масалаларига эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тили — халқимизнинг асрлар давомида шаклланган маънавий бойлиги, миллий ифтихори ва бирдамлиги тимсолидир. Уни эъзозлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга соф ҳолда етказиш фақат ҳар бир юртдошимизнинг вазифасидир.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

МУҲАРРИР МИНБАРИ

ДАВЛАТ ТИЛИНИНГ МАҚОМИ БОР, ҚЎЛЛАНИШ ТАРТИБИ-ЧИ?

БИР ҚАРОРНИНГ УЗОҚҚА ЧЎЗИЛГАН ОҚИБАТИ

Ўзбек ёзувини лотин алифбосига ўтказиш масаласи ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери жамият диққат марказида. Бу даврда бир неча авлод мактабда ўқиди, олий маълумот олди, касб-ҳунар эгаллаб, жамиятнинг фаол аъзосига айланди. Аммо ёзув масаласидаги узоқ давом этган ўзгаришлар ва бир хил қўлланмаётган имло амалиёти туфайли одамлар бир сўзни турлича ёзишга, бир ҳужжатни ҳар хил шаклда расмийлаштиришга ўрганиб қолди.

Алифбо ислоҳотини фақат ҳарфларнинг шакли билан боғлиқ масала, деб қараш хато. Бу — таълим, китоб нашри, электрон ҳужжат, қидирув тизимлари, шахсий маълумотлар жамланмаси ва ахборот алмашинувига дахлдор масала. Ёзувдаги изчиллик бўлмаса, тилнинг рақамли муҳитдаги имкониятлари ҳам чекланади.

Айни пайтда, лотин ва кирилл ёзувларидан фойдаланилаётгани учун одамлар саводхонлиги ошмади, деб баҳолаш ҳам тўғри эмас. Муаммо — икки ёзувдаги мавжуд меросни сақлаган ҳолда, давлат ва таълим тизимида ягона, барқарор ва аниқ қоидаларни таъминлай олмаётганимизда. Икки алифбо орасидаги бу сарсонлик миллий тилнинг нафақат нуфузини, балки унга бўлган жиддий муносабатни ҳам савол остига қўймоқда.

ЎЗБЕКЧА ЁЗЯПМИЗ, АММО ЎЗБЕКЧА ФИКРЛАЯПМИЗМИ?

Бирор ташкилот ёки идорага ишга кириш учун ариза ёзинг. Ёки бирор муассасага расмий хат тайёрланг. Тўй ва маросимлар таклифномасини ўқинг. Кўп ҳолларда бир манзарага дуч келасиз: сўзлар ўзбекча, аммо жумлаларнинг қурилиши сунъий; фикр ўзбекча ифодаланган, аммо унинг қолипи бошқа тилдан кўчирилган. Биз ҳануз ўзимизнинг фикримизни, расмий ва кундалик маданиятимизни ўз миллий оҳангимизда, ўз андозамизда ифодалай олмаяпмиз.

Бу ҳолат, айниқса, расмий иш юритишда сезилади. Мураккаб ва узун жумлалар, бир неча марта такрорланган иборалар, мазмундан кўра расмиятни кўзлайдиган бирикмалар ҳужжатни тушунишни қийинлаштиради. Баъзан оддий масалани тушунтириш учун шунчалик кўп сўз ишлатиладики, асосий фикр улар орасида йўқолиб кетади. **Расмий тил жиддий бўлиши мумкин, лекин у тушунарсиз бўлмаслиги шарт!**

Муаммонинг яна бир жиҳати бор: биз ўзбек тилида сифатли матн тузишни фақат филологларнинг вазифаси, деб биламиз. **Ҳолбуки, давлат хизматчиси ҳам, ҳуқуқшунос ҳам, иқтисодчи ҳам, журналист ҳам ўз соҳасидаги фикрни аниқ ва равон баён қила олиши керак.** Ахир тил маданияти касбий малаканинг бир қисми эмасми?

Шунинг учун расмий ҳужжатларни шунчаки таржима қилиш амалиётидан воз кечиш зарур. Ариза, шартнома, қарор, йўриқнома ва хизмат хатлари ўзбек тили қоидалари асосида қурилиши, мантиғи ва услубига мувофиқ яратилиши лозим. Тайёр намуналарни қайта кўриб чиқиш, ортиқча иборалари қисқартириш, тушунарли тилда ёзиш бўйича ягона услубий талабларни жорий этиш керак.

“Келажагимиз эгаси бўлган ёш авлодимиз замонавий билимлар, инновация ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши учун албатта чет тилларини ўрганиши лозим. Лекин улар миллий руҳ, миллий тафаккур эгаси, ватанпарвар инсонлар бўлиб вояга етишлари учун, аввало, ўзбек тили ва адабиётини болаликдан бошлаб пухта билишлари шарт”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



КЎЧА, ПЕШЛАВҲА ЁЗУВИ — МИЛЛИЙ ҒУРУР КЎЗГУСИ

Шаҳар ва туман кўчаларини айланинг. Дўконлар, ошхоналар, савдо марказлари, дорихоналар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари пешлавҳаларига қаранг. Ўзбекча номлар ҳам бор, албатта. **Аммо ўзбекча муқобили бўла туриб бошқа тилда ёзилган, имловий хатоларга тўла ёзувлар юртимизда тилга муносабат манзарасини акс эттирмаяптими?**

Реклама матнларида ҳам шундай ҳолат. Баъзан маҳсулотнинг хусусиятини ўзбекча тушунтириш ўрнига хорижий атамаларни қалаштиришади. **Гўёки тадбиркорлик фаолияти ўзбекча номланса, ривож топмайдигандек, маҳсулот миллий тилда аталса, харидорсиз қоладигандек.**

Тадбиркор ўз савдо белгисига хорижий ном танлаши мумкин. Ҳар бир чет тилидаги сўзни тақиқлаш билан миллий тилнинг мавқеини кўтариб бўлмайди. Лекин давлат тилидаги ахборотнинг сифати, истеъмолчига маълумотни қайси тилда ва қандай шаклда етказиш масаласи ўзбошимчаликка ташлаб қўйилмаслиги керак.

Бунинг учун пешлавҳа ва рекламага оид талаблар амалда қўлланиши, уларнинг бажарилиши мунтазам назоратга олиниши лозим. Текширувнинг мақсади тадбиркорни жаримага тортишдан аввал уни миллий тилни қадрлаш кераклигига ундаш бўлиши керак. **Бу борада ҳудудларда имло ва атамалар бўйича маслаҳат олиш мумкин бўлган хизматлар фаолияти йўлга қўйилиши зарур.**

Бироқ огоҳлантириш ва тушунтиришдан кейин ҳам талабларни қасддан бузиш давом этса, қонунчиликда назарда тутилган чоралар қўлланиши шарт. Қоида ҳамма учун бир хил қўлланилгандагина тартиб шаклланади.

“Ўзбек тилининг бой имкониятлари асосида халқимиз тафаккурига мос ва жозибадор миллий брендлар яратиш, маҳсулотларимизни ташқи бозорга олиб чиқиш маркетинг соҳасида асосий йўналишга айланиши зарур. Бу борада ватанпарвар тадбиркорларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатадилар, деб ишонаман”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАҲАЛЛА НОМИ ҚИСҚАРТМАГА СИҒАДИМИ?

Маҳалла — ўзбек жамиятининг тарихий тажрибаси, ижтимоий муносабатлари ва ўзини ўзи бошқариш маданиятини ўзида мужассам этган тушунча. Аммо унинг номи кўпинча **“МФЙ” қисқартмаси** билан бирга қўлланади. Расмий ҳужжатда муайян ҳуқуқий мақомни билдирувчи қисқартма зарур бўлиши мумкин. Лекин кўча пешлавҳасида, ахборот лавҳасида ёки аҳолига мўлжалланган эълонда маҳалла номини шу қисқартма билан бошлаш шартми?

“Боғистон” маҳалласи, “Навбаҳор” маҳалласи, деб ёзиш мумкин бўлган жойда **“Боғистон МФЙ” ёки “Навбаҳор МФЙ”** шаклидан фойдаланишнинг ўзи тил ривожига қанчалик хизмат қилади? Масала битта қисқартмада эмас, балки миллий тушунчаларимизни маъмурий қолипларга мослаштиришга шу қадар кўникиб қолганимизда!

Жой номлари, бу — миллатнинг тарихий хотираси ва тимсолидир. Шу маънода тарихий номларнинг маъноси, келиб чиқиши ва тўғри ёзилиши ўрганилиши, асоссиз ўзгартирилган ёки турлича ёзилаётган номлар тартибга солиниши керак. Бу иш фақат хариталарни янгилаш билан чекланмаслиги лозим. Кўча кўрсаткичлари, манзил маълумотлари, электрон хариталар ва давлат ахборот тизимларида ҳам бир хил ёзиш таъминланиши зарур.

Маҳалланинг номини тўғри ёзиш — жузъий масала эмас. Бу ҳудуд тарихи ва аҳоли хотирасига ҳурматнинг аниқ ва яққол кўринишидир.

ТИЛ МАКТАБДА ЎРГАНИЛАДИ, ЛЕКИН...

Бугун бола ўзбек тилини дарсликдан ўрганади, кейин телефон юзасини очади. У ердаги матнлар имлосиз, жумлалар чала, сўзлар қисқартирилган. Ижтимоий тармоқларда лотин ва кирилл ёзувлари аралаштирилади, ўзбекча ҳарфлар ўрнига бошқа белгилар қўлланади.

Албатта, интернетдаги ҳар бир норасмий ёзишмани адабий тил талабларига мослаштириш қийин. Одамлар турли вазиятда турлича ёзади. Аммо оммавий ахборот тарқатувчилар, катта аудиторияга эга саҳифалар, таълим платформалари ва давлат ташкилотларининг расмий саҳифалари тил маданиятига бефарқ қарашга ҳақли эмас.

Бундан ташқари, ўзбек тилидаги сифатли рақамли маҳсулотлар ҳали ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. Электрон хизматлар, мобил иловалар, овозли ёрдамчилар, тўғридан-тўғри таржима воситалари ва қидирув тизимларида ўзбек тилини тўғри таниш, сўзларни меъёрий ёзиш ва маънони бузмасдан қайта ишлаш имкониятлари кенгайиши керак. **Бунинг учун тилшунослар, дастурчилар, муҳаррирлар ва таълим мутахассислари ҳамкорлиги керак.**

Яна бир жиҳат: биз ўзга миллатлар тилига ҳурмат сақлаган ҳолда, кундалик ҳаётда нафақат қандай ёзаётганимиз, балки қандай гапираётганимиз, хорижий атамалардан нутқимизда нечоғли фойдаланаётганимиз ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз шарт! Оғзаки нутқимизда ошхонага киранда ҳам *(**“завтрак”, “обед”, “ужин”, “собой”, “заказ”, “доставка”, “меню”, энг ачинарлиси, таом номларининг аксарияти ўзбекча эмас!)*, кўчада юранда ҳам *(**“разворот”, “поворот”, “мост”, “пешоход”, “знак”, “ГАИ”: бу хусусда ўзбекча ном жуда ҳам кам**)* ва кундалик мулоқотда ҳам *(**“потому что”, “итого”, “уже”, “номер”, “сохранит”, “беззвук”** — бундай сўзлар миқдори кўп)* бошқа тил атамалари одатий ифодага айланиб улгурган. Бу ҳолатни шунчаки тилга бошқа тилларнинг таъсири сифатида баҳолаш билан чекланиб бўлмайди. Зеро, инсон қайси сўзни тез-тез ишлатса, ўша сўз унинг нутқида табиийлашади, муқобили эса аста-секин истеъмолдан чиқади. Шу боис, ўзбек тилидаги муқобилларни кундалик муомалага қайтариш, айниқса, оилада, таълим муассасаларида, хизмат кўрсатиш соҳасида ва ёшлар билан мулоқотда улардан фаол фойдаланиш ниҳоятда зарур.

ТИЛНИ АСРАШ, УНИНГ ИМКОНИЯТИНИ ЧЕКЛАШ ДЕГАНИ ЭМАС...

Яна бир масала — ўзбек тилида замонавий илм-фан, технология, ҳуқуқ, иқтисодиёт ва тиббиётни тўлиқ ифодалаш имкониятларини кенгайтиришдир.

Айрим соҳаларда хорижий атамаларнинг кўплигига дуч келамиз. Бунинг сабаби ҳар доим ҳам тилга беписандлик эмас. Баъзи тушунчаларнинг ўзбекча муқобили кенг оммалашмаган, айрим атамалар эса турли ташкилотларда турлича қўлланади. Натижада мутахассислар хорижий сўзни ишлатишни осонроқ, деб билади.

Бундай вазиятда ҳар бир атамага сунъий таржима топиш ҳам тўғри йўл эмас. Асосий вазифа — тушунчани аниқ ифодалайдиган, соҳадаги мутахассислар қабул қиладиган ва амалиётда қўлланадиган атамани шакллантириш. Бунинг учун соҳавий комиссиялар фақат сўз тасдиқлаш билан чекланмаслиги, атамаларни изоҳлаши, мисоллар билан тушунтириши ва уларнинг қўлланишини кузатиб бориши керак.

Ҳар бир вазирлик ва идора ўз соҳасига оид **атамаларнинг ягона электрон рўйхатини юритиши, унинг янгиланишини таъминлаши** лозим. Тиббиётдаги бемор учун тушунарли маълумотдан тортиб, банк шартномаси ва давлат хизмати йўриқномасигача — фуқаро ўз ҳаётига дахлдор ахборотни ўзбек тилида англай олиши шарт.

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТМОҚ КЕРАК?

Менимча, давлат тилига муносабатни ўзгартириш учун бир нечта аниқ вазифаларни кечиктирмасдан амалга оширишга эҳтиёж туғиляпти.

Биринчидан, алифбо ва имло бўйича барқарор қарорлар қабул қилиниб, уларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари белгиланиши керак. Мактаб, нашриёт, давлат идораси ва рақамли тизимлар бир хил меъёрларга таяниши лозим.

Иккинчидан, давлат ташкилотларидаги расмий ҳужжатлар ва аҳолига мўлжалланган матнлар тил нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши керак. Эски қолиплардан воз кечиб, содда, аниқ ва тушунарли шаклдаги ўзбек тилида иш юритиш андозалари ишлаб чиқилиши зарур.

Учинчидан, пешлавҳа, реклама, кўча кўрсаткичи ва жой номларига оид талабларнинг бажарилиши мунтазам назорат қилиниши керак. Тадбиркорларга *(“дунёга чиқ, аммо миллат шаънини унутма!” тамойили асосида)* дастлаб услубий ёрдам кўрсатилиб, қоидабузарликларни бартараф этиш имкони берилиши, такрорий ва қасддан содир этилган ҳолатларда қонуний чоралар кўрилиши лозим.

Тўртинчидан, ўзбек тилининг рақамли имкониятларига сармоя киритиш зарур. Имло текширгичлар, электрон луғатлар, овозни матнга айлантириш воситалари, сифатли таржима тизимлари ва давлат хизматларининг ўзбекча интерфейслари ривожлантирилиши керак.

Бу вазифаларни амалга оширишда ортиқча тақиқбозликка ҳам, бепарволикка ҳам ўрин йўқ. Бошқа тилларни билиш — устунлик. Улардан ўрганиш — тараққиёт шарти. Аммо ўз тилида тўғри ёзиш, фикрни аниқ ифодалаш ва давлат тилида сифатли хизмат кўрсатиш ҳам оддий меъёрга айланиши керак. Мақсад — ўзбек тилини бошқа тиллардан устун қўйишда эмас, аксинча уни ўз Ватанида тўлақонли қўлланиладиган воситага айлантиришда!

***

Давлат тили мақоми — тарихий қарор. Аммо тарихий қарорнинг қадри унинг ҳаётдаги натижаси билан белгиланади. Тилни ҳимоя қилиш учун ҳар йили бир кун баланд овозда гапириш, бу — муаммонинг тўлақонли ечими эмас. Ўзбек тилининг товуши ҳар куни кундалик меҳнат ва оилавий ҳаётда, расмий ҳужжатларда, мактабларда, кўча ва бозорларда, саҳналарда, қўйингки, ҳар бир ўзбек тафаккурида доим янграши керак!

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
“Mahalla” газетаси бош муҳаррири.

ТОП-100 | ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ РЎЙХАТИ



ЮСУПОВ АТАМУРАТ РАЖАПОВИЧ

Амударё тумани Дўрмон овул фуқаролар йиғини раиси



ИСМЕТОВ МУРАТБАЙ ЖОЛЛИБАЕВИЧ

Шуманай тумани “Айбуйир” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



КАЗАХБАЕВ ПОЛАТ ТОРЕБАЕВИЧ

Қўнғирот тумани “Таллиқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ТАГАНБЕРДИЕВ ГАЛПАК АРАЗДУРДИЕВИЧ

Тахиатош тумани Найманкўл овул фуқаролар йиғини раиси



ХАЛИЛЛАЕВ ХАЙТБАЙ МАДЕТЖАНОВИЧ

Тахиатош тумани Янги макон овул фуқаролар йиғини раиси



ТОЖИБОЕВ АХРОРБЕК ШАВКАТБЕК ЎҒЛИ

Олтинкўл тумани “Кўтармачек” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



БОЛТАБОЕВ МИРЗОХИД АБДУЛХАМИДОВИЧ

Хўжаобод тумани “Ордай” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ТОШПЎЛАТОВ АХМАДБЕК СОТВОЛДИЕВИЧ

Пахтаобод тумани “Мустаҳкам” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ҚАМБАРОВ АБДУРАХМОН УММАТАЛИЕВИЧ

Балиқчи тумани “Аралхон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



САРИБОЕВА МАВЛЮДА НАЗИРЖАНОВНА

Андижон шаҳар «Майдонбозор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси



КОМИЛОВ ХОЛИДДИН

Асака туман “Бозорбоши” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ИМОМАЛИЕВ РУСТАММУРОД УМАРАЛИ ЎҒЛИ

Бўстон тумани “Гулшан” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



КАРИМОВ ОЙБЕК ШАРОБИДДИНОВИЧ

Андижон тумани “Дулдур” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ХОЖИМАТОВ БАХТИЁР ЎРИНБОЕВИЧ

Булоқбоши тумани “Баландчек” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



КЛИЧБАЕВ МЕЙИРБЕК БАЙРАМБАЕВИЧ

Ромитан тумани “Қизилравот” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЮСУПОВ БУРХОН БОЛТАЕВИЧ

Ромитан тумани “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ХОЛИҚОВ ТУРСУН ҲАЛИМОВИЧ

Пешку тумани “Чибиғони” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЧОРИЕВ РУСТАМ ХАМРОЕВИЧ

Олот тумани “Қирлишон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



НИЁЗОВ АЛОҲИДДИН ЗАМОНОВИЧ

Бухоро тумани “Подшоҳи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



АВЕЗОВА САНЪАТ ТОЛИБОВНА

Вобкент тумани “Кўлиодина” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ИСМОИЛОВ АБДУВАХОБ АЛЛАМУРОДОВИЧ

Бахмал тумани “Сарой” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЎРИНБОЕВ ЎРОЛ ОДИЛОВИЧ

Пахтакор тумани “Ғалаба” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ШАХАНОВ КОМИЛЖОН САФАРОВИЧ

Зарбдор тумани “Навбаҳор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ШОАЗИМОВ САЙФИДДИН АММИРОВИЧ

Ғаллаорол тумани “Саврук” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЭЛМОНОВ ШАРИП ШАРОПОВИЧ

Қарши тумани “Гулшан” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ДАМИНОВ ЖАЛОЛИДДИН ХОНКЕЛДИЕВИЧ

Қарши тумани “Парвоз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ХУРРАМОВ ШУХРАТ МОЛИКОВИЧ

Чироқчи тумани “Қалқама” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЭСИРГАДИЕВ ҒУЛОМЖОН НУРИДДИНОВИЧ

Чироқчи тумани “Бўронжуз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ТАШЕВ ЖАМОЛИДДИН ДЖАЛИЛОВИЧ

Қарши шаҳар “Хўжа-хиёл” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ҒОФУРОВ АБДУВАСИ МИРЗАЁРОВИЧ

Шаҳрисабз шаҳар “Уйчилик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЧОРИЕВ БАХТИЁР БЕРДИЁРОВИЧ

Деҳқонобод тумани “Нурли келажак” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ТУРДИЕВ АКМАЛ ЮСУПОВИЧ

Шаҳрисабз тумани “Равот” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЭРГАШОВ НАВРУЗ САИДАЛИЕВИЧ

Қамаши тумани “Қамай” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



НИЗОМОВА МАВЖУДА ИСРОИЛОВНА

Зарафшон шаҳар “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ТОШПУЛАТОВ РУСТАМ ЖУРАҚУЛОВИЧ

Хатирчи тумани “Оқолтин” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ШАРИПОВ ТОШПЎЛОТ ШАВКАТОВИЧ

Қизилтепа тумани “Арабхон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ИСАКОВА ЗАМИРА ГАФФАРОВНА

Конимех тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ҚОДИРОВА ОДИНАХОН МИРХАМИТОВНА

Учқўрғон тумани “Ёрқинбойчек” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЮСУПОВА НАФИСА ХОШИМЖАНОВНА

Учқўрғон тумани “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



СИДДИКОВ ИБРОХИМ ИСЛОМОВИЧ

Косонсой тумани “Гулбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ХОЖИЕВ МУЗАФФАР АБДУСАМИНОВИЧ

Уйчи тумани “Гумбаз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ХАЙИТОВ РУСТАМЖОН РАХМОНЖОНОВИЧ

Янгиқўрғон тумани “Қайроқи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ШОВДОНОВ НОСИРЖОН НАЖМИДДИНОВИЧ

Янгиқўрғон тумани “Сутлибулоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ЖУМАБАЕВ АБДУВАЛИ ЁҚУБАЕВИЧ

Мингбулоқ тумани “Бозорбоши” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

МАМАДЖАНОВ ОДИЛЖОН МИРЗАЛИЕВИЧ

Янги Наманган тумани “Атанган гузар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

АЛИҚУЛОВ СИРОЖИДДИН ШАРИПОВИЧ

Нарпай тумани “Ипак йўли” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

САМАДОВ ОТАБЕК РАЖАБОЕВИЧ

Каттақўрғон тумани “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

БАБАСАИДОВ АЙЁМИДДИН УСМАНОВИЧ

Нуробод тумани “Оқсой” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

АХМЕДОВ НАСИМ АБДУАМИРОВИЧ

Иштихон тумани “Чақар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

БЎРОНОВ БУНЁД ТОШНАЗАРОВИЧ

Қўшработ тумани “Чорлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ РЎЙХАТИ | ТОП-100



САМАТОВ ХАБИБ АЗИМОВИЧ

Самарқанд шаҳар “Барака” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



САМИЕВ АКБАР АХАТОВИЧ

Ургут тумани “Мазортепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси




МЕЛИЕВ ДИЛШОД НУРИДДИНОВИЧ

Ургут тумани “Жозмон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ҒАФФАРОВ ҚАҲРАМОН АБДУСАЛОМ ЎҒЛИ

Булунғур тумани “Каптархона” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



БЎЛТАКОВ КАМОЛИДДИН ҚАХРАМОНОВИЧ

Пайариқ тумани “Баҳор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ГАИПОВ НОРМУРОД АБДУХАЛИКОВИЧ

Сирдарё тумани “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ХОДЖАКУЛОВА ИНДИРА ХОДЖАКУЛОВНА

Янгиер шаҳар “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ДЖУМАНОВ НУРИЛЛА ҲАБИБУЛЛАЕВИЧ

Ширин шаҳар “Нуробод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ОТАХАНОВ АХАДЖОН РУСТАМОВИЧ

Мирзаобод тумани “Баҳористон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



БЎТАЕВ МУХТОР ЧОРШАНБИЕВИЧ

Қизириқ тумани “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



НОРГУЧОВА САОДАТ СУЮНОВНА

Жарқўрғон тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



АЛЛАБЕРДИЕВ БЕКМУРОД ТУРДИЕВИЧ

Узун тумани “Заркамар” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



БОБОНАЗАРОВ АЛИ МЕНГҚОБИЛОВИЧ

Шўрчи тумани “Шалдироқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



МЕЛИҚУЛОВ МУЗАФФАР НОРМУРОДОВИЧ

Олтинсой тумани А.Бўтаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ТУРАНОВ ХАБИБУЛЛА ШАИСАИТОВИЧ

Термиз шаҳар “Сурхон соҳили” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



НУРМАНОВ ШЕРЗОД ОЛЛАҚУЛОВИЧ

Бандихон тумани “Бандихон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



МАМАШАЕВ ШОКИР ШОДМОНОВИЧ

Қумқўрғон тумани “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ҒУЛОМХОНОВА ГУЛБАХОР ТОХИРОВНА

Пискент тумани “Бекобод” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



ГИЯСОВ ХАФИЗУЛЛО АЛИМЖОНОВИЧ

Янгийўл шаҳар “Боғбон” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



БАЙЗАКОВ МУСА АБДИЖАЛИЕВИЧ

Юқори Чирчиқ тумани “Кангли” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



КАМАЛОВ БАХТИЁР ТЎЛАГАНОВИЧ

Бўстонлиқ тумани “Барраж” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



ХАИТМАТОВ ШУКУРДЖОН РУСТАМОВИЧ

Ангрен шаҳар “Янги Боғи сурх” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



ТОШМАТОВ ХАСАНБОЙ ТЎРАЕВИЧ

Нурафшон шаҳар “Бирлик” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



ТЎХТАНАЗАРОВ АХРОР ЎТКИРОВИЧ

Ўрта Чирчиқ тумани “Аранши” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



СИЗДИКОВ АТАБЕК АЙБЕКОВИЧ

Қибрай тумани “Шарқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЮЛДАШЕВ СУЛТАН ТЎХТАЕВИЧ

Тошкент тумани “Алишер Навоий” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



БОБОЖОНОВ ИСРОИЛ ИСМОИЛЖОНОВИЧ

Бекобод тумани “Гулзор” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси



ЭРГАШЕВА ГУЛНОРАХОН РАСУЛОВНА

Бувайда тумани “Янгиқишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



КАЛАНОВА МАҲБУБА БАХРИДИНОВНА

Қувасой шаҳар Зебунисо номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси



УМАРОВ ДОНИЁР ДАВРОНОВИЧ

Олтиариқ тумани “Гулобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



МАКАРОВ ҚАХРАМОН ЭРГАШОВИЧ

Фарғона тумани Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси



МАТКАРИМОВА БАРНОХОН ХАЙДАРОВНА

Қува тумани “Бойистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



АЛИМДЖАНОВ МУХИТДИН КАМИЛОВИЧ

Қўқон шаҳар “Саодат” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЖУМОНОВ МУХАММАДИЁР ТУРСУНАЛИЕВИЧ

Ўзбекистон тумани “Бешкапа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси




АБДУЖАБОРОВ АБДУЛАЗИЗ НАБИЕВИЧ

Сўх тумани “Ҳушёр” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



МАҲМУДОВА СУРАЙЁХОН ЖУРАБОЕВНА

Риштон тумани “Қалайнав” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



АББОСОВ ЭЛБЕК НЕЪМАТОВИЧ

Марғилон шаҳар “Навбаҳор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



УРАЗМЕТОВ БАТИРЖАН КАРИМОВИЧ

Гурлан тумани “Нуробод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



ЙЎЛДОШЕВ ЭРГАШ ИЛХОМОВИЧ

Янгиариқ тумани “Каттабоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



МАДАМИНОВ АЗАД САИДОВИЧ

Шовот тумани Комилжон ота номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси

АРТИҚОВ ҚАХРАМОН ХУДАЯРОВИЧ

Урганч тумани “Кўҳна овул” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

РЎЗМЕТОВ ЖУРАТ ҚАБУЛОВИЧ

Хива тумани “Оқ ёп” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ҚУШАКОВА ЗУЛАЙХА КАРИМОВНА

Янгибозор тумани “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

АЛИМАРДАНОВА УМИДА УБАЙДУЛЛАЕВНА

Шайхонтоҳур тумани “Ўқчи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

МИНАВАРХОДЖАЕВ УБАЙДУЛЛА ТОХТАЕВИЧ

Яшнобод тумани “Беҳизор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

АБДУМАЛИКОВ АБДУАЗИМ АБДУХАЛИЛОВИЧ

Олмазор тумани Ғани Аъзамов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ЮЛДАШЕВА МУЯССАР ТАИРОВНА

Мирзо Улуғбек тумани “Оқибат” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

ЖУМАБОЕВА МУЯССАР БОЛТАБОЕВНА

Сергели тумани “Шукрона” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

РАСУЛОВА НОЗИМА БАЗАРБАЕВНА

Учтепа тумани “Шарқ гули” маҳалла фуқаролар йиғини раиси

АТАМОВ БОБИР ХАСАНБАЕВИЧ

Чилонзор тумани “Меҳржон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси



Ёзёвон туманидаги “ҚОРИ СОҚИЙ ОТА” ЗИЁРАТГОҲИ қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди.



Ўзбек тили байрами куни муносабати билан пойтахтимизда “ОЙДИН ГУРУНГЛАР” ХАЛҚАРО ИЖОДИЙ ФОРУМИ бўлиб ўтди.



Ўзбекистондаги ОТМларда таҳсил олаётган ХОРИЖЛИК ТАЛАБАЛАР ЎЗБЕК ТИЛИ БЎЙИЧА республика олимпиадасида ўз билимларини синовдан ўтказди.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

ТАРБИЯНИНГ ИЛДИЗИ КЎРИНМАС, МЕВАСИ ИЛК ҚАДАМДАЁҚ НАМОЁНДИР

Мактабда уч нафар ўқувчи қиз ўртасида юз берган жанжал, синф раҳбарининг лавозимидан озод этилиши... Бу воқеа шунчаки интизом бузилиши эмас, балки бола тарбияси, оила масъулияти ва таълим муассасасининг вазифалари ҳақида жиддий ўйлашга ундайдиган ҳолатдир.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.



Баъзан боланинг қалбида кечаётган жараёнларни англаш учун унинг биргина хатти-ҳаракатини кузатиш кифоя. Чунки ташқи томондан оддий кўринган тортишув ортида тўпланиб қолган ранжиш, эътиборга эҳтиёж, ҳиссиётларни бошқара олмаслик ёки ўзини бошқаларга кўрсатиш истаги яширин бўлиши мумкин.

Яқинда Олтинкўл туманидаги 11-умумтаълим мактабида уч нафар ўқувчи қиз ўртасида жанжал содир бўлди. Маълум қилинишича, воқеа 13 октябрь куни танаффус вақтида юз берган. Ҳолат юзасидан профилактик суҳбат ўтказилиб, ўқувчиларнинг ота-оналарига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилган. Синфдаги вазиятни назорат қилишда камчиликларга йўл қўйгани учун синф раҳбари ҳам лавозимидан озод этилган.

Воқеа иштирокчилари — ҳали ҳаётни тўлиқ англаб улгурмаган, катталарнинг кўмаги ва тўғри йўналишига муҳтож қизлар... Уларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш билан бирга, бундай ҳолатнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам ўрганиш зарур. Зеро, боланинг хатосини кўриш осон, аммо омилларни аниқлаш ва бартараф этиш анча мураккаб вазифадир.

ТАРБИЯ ФАҚАТ НАСИҲАТДАН ИБОРАТМИ?

— Қиз бола тарбияси ҳақида сўз кетганда, кўпинча одоб, ҳаё, катталарга ҳурмат, мулойимлик каби фазилатлар тилга олинади, ***— дейди психолог Шоҳиста Жўрақулова.*** *— Булар, албатта, муҳим. Бироқ тарбия фақат одоб қоидаларини ўргатиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Уларга ўз ҳиссиётларини англаш, газабини жиловлаш, келишмовчиликни тинч йўл билан ҳал қилиш, бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш ва ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришни ҳам ўргатиш зарур.*

Айниқса, ўсмирлик даврида тенгдошлар орасида ўз ўрнини топиш, эътироф қозониш ва мустақиллигини намоён этиш истаги кучаяди. Бу пайтда арзимасдек кўринган гап-сўз ҳам катта келишмовчиликка сабаб бўлиши мумкин. Агар қиз болага ҳиссиётларини тўғри ифодалаш, хафагарчиликни мулоқот орқали ҳал қилиш ўргатилмаса, у муаммони тортишув ёки тажовузкорлик билан ҳал этишга уриниши эҳтимолдан холи эмас.

Шунинг учун оилада ҳам, мактабда ҳам болага фақат “бундай қилма”, “уят бўлади”, “одобли бўл” дейишнинг ўзи етарли эмас. Нега бундай қилмаслик кераклиги, бошқа инсоннинг кўнглига озор етказиш қандай оқибатларга олиб келиши ва низодан қандай чиқиш мумкинлиги ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилиши лозим.

ОТА-ОНА МАСЪУЛИЯТИ ЖАЗО БИЛАН ТУГАМАЙДИ

Фарзанд тарбияси, аввало, оиладан бошланади. Боланинг муомаласи, бошқаларга муносабати, қийин вазиятларда ўзини тутиши кўп жиҳатдан уйда кўргани ва эшитгани билан боғлиқ. Катталар бир-бирига қандай муомала қилиши, келишмовчиликларни қандай ҳал этиши, ўзгаларнинг қадр-қимматига қай даражада ҳурмат билан қараши фарзанд учун ҳаётий намунадир.

Бола билан самимий мулоқот қилиш унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини оқлаш дегани эмас. Аксинча, ота-она фарзандини тинглаш билан бирга, унга хатосини тан олиш, кечирим сўраш ва қилмиши оқибатини тушунишни ҳам ўргатиши керак. Мақсад болани жазолашдан кўра, унинг келгусида хатони такрорламаслигига эришишдир.

МАКТАБ ФАҚАТ БИЛИМ БЕРУВЧИ МАСКАН ЭМАС

Олтинкўл туманидаги мактабда юз берган ҳолатдан кейин синф раҳбарининг лавозимидан озод этилгани синфдаги муҳитни назорат қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Бироқ ҳар қандай низонинг олдини олиш фақат синф раҳбарининг зиммасидаги вазифа эмас. Мактаб маъмурияти, фан ўқитувчилари, психолог, ота-оналар ва маҳалла ўзаро ҳамкорликда ишлагандагина тарбиявий ишлар самара беради.

Шунингдек, мактаб психологи фаолиятини кучайтириш, қизлар билан ёш хусусиятларига мос суҳбатлар ўтказиш, низоларни тинч ҳал қилишга қаратилган машғулотларни йўлга қўйиш муҳим. Чунки болаларга тинчлик ҳақида гапиришнинг ўзи камлик қилади — уларга тинч йўл билан келишиш кўникмасини ҳам ўргатиш керак.

Бола хатога йўл қўйганда, жавобгарлик масаласи четда қолмаслиги керак. Аммо жазо тарбиянинг ягона воситасига айланса, унинг таъсири кутилган натижани бермаслиги мумкин. Боланинг хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаш, унинг оқибатларини тушунтириш, зарар етказилган бўлса, уни бартараф этишга ундаш ҳам муҳим.

Зеро, тарбиянинг мақсади фақат қоидабузарликни тўхтатиш эмас, балки ўз хатти-ҳаракатини англайдиган, бошқаларнинг ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳурмат қиладиган, жамият олдидаги масъулиятини ҳис этадиган инсонни вояга етказишдир.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА...

Инсоннинг асл қиёфаси манфаатлар тўқнашган, ҳақиқатни айтиш хатарли бўлиб қолган вазиятларда намоён бўлади. Бундай пайтда биров сукутни афзал билса, кимдир ўз манфаатини ўйлайди, яна кимдир ҳақиқатни излашга отланади. Ёзувчи Қулман Очилнинг “Хатар дарбозаси” романи бош қаҳрамони Чори Халил ана шундай изланувчан инсонлардан.

Ҳақиқат сари йўл

“Жумҳурият” газетасининг махсус мухбири Чори Халил юрт кезишни, оддий одамлар ҳаётини ўрганишни ва улар ҳақида ёзишни яхши кўради. Сафар машаққатлари, йўлдаги ноқулайликлар уни изланишдан тўхтатмайди.

Чори Халилнинг бош муҳаррир Ориф Эгамбердига муносабати ҳам эътиборга молик. У устозини ҳурмат қилади, фикрларига қулоқ тутади. Бошқа нашрларга ўтиш таклифларини рад этиши эса унинг учун ишонч ва садоқат моддий манфаатдан кам эмаслигини кўрсатади.

Чори Халил деҳқонлар, қишлоқ кексалари ва турли касб эгалари билан суҳбатлашишни хуш кўради. У учун инсон қадри лавозими ёки бойлиги билан ўлчанмайди.

Автобусдаги Аблай Нурбоев билан суҳбат бунга мисол бўла олади. Дастлаб журналистдан шубҳаланган ҳамроҳ кейин уни таниб, мақолаларини эслайди ва уйига таклиф қилади. Бу тасвир журналист меҳнатининг инсонлар қалбида из қолдиришини кўрсатади. Газетадаги бир мақола муаллиф учун кундалик ишнинг бир қисми бўлса, китобхон учун у унутилмас таассуротга айланиши мумкин.

Муаллиф қаҳрамонни узун таърифлар билан эмас, унинг хатти-ҳаракатлари, ички кечинмалари ва одамларга муносабати орқали очади. Халқона юмор, енгил киноя ва бозор манзараларидаги ижтимоий тафсилотлар эса воқеаларга ҳаётийлик бағишлайди.

“Хатар дарбозаси” номини рамзий маънода ҳам талқин қилиш мумкин. Дарбоза — янги маконга ўтиш нуқтаси, хатар эса инсоннинг иродаси ва қарашларини синовдан ўтказадиган вазият. Чори Халил учун Чебаркўл сафари ҳам оддий манзил алмаштириш эмас, балки касбий бурч ва шахсий жасорат синовидир.

Асар китобхонни муҳим саволлар устида ўйлашга ундайди: ҳақиқатни излаш осонми? Бурчга содиқ қолиш учун нималардан воз кечишга тўғри келади? Инсон бошқалар тақдирига бефарқ бўлмаса, бу уни қандай синовларга етаклайди?



«Хатар дарбозаси»нинг эътиборга молик жиҳати — шахсий тақдир билан ижтимоий муҳитни бир-биридан ажратмаслигида. Чори Халилнинг сафарлари орқали журналистлик масъулияти, инсон қадри, шахсий ва жамоат манфаати каби масалалар ёритилади.

Зеро, баъзан инсон йўлга дунёни кўриш учун чиқади, аммо сафар давомида ўзини ҳам янгидан кашф этади. Ҳақиқатни англашнинг ўзи кифоямиз ёки уни ҳимоя қилиш учун ҳам жасорат керакми? Роман китобхонни ана шу савол устида мушоҳада юритишга чорлайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Камола ЖАЛОЛОВА. Қашқадарё вилояти.

— Касаллик нафақасини ҳисоблашда айрим фуқаролар учун имтиёзлар борлиги ҳақида эшитиб қолдим. Бу имкониятдан кимлар фойдаланиши мумкин?

КАСАЛЛИК НАФАҚАСИ КИМЛАРГА КЎПРОҚ ТЎЛАНАДИ?

Фазлиддин АБДИЕВ, Ижтимоий суғурта жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўйича вакили:

— Янги тартибга кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги суғурталанган шахслар учун касаллик нафақасини ҳисоблашда қўлланиладиган стаж коэффициенти 20 фоиз бандга оширилади. Жумладан, одатда 60 фоизлик коэффициент қўлланиладиган ҳолатларда у 80 фоизга, 80 фоизлик коэффициент эса 100 фоизгача оширилади.

Мазкур имтиёз қарамоғида 18 ёшга тўлмаган тўрт нафар ёки ундан ортиқ фарзанди бўлган, ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган фарзандини тарбиялаётган суғурталанган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган фуқароларга татбиқ этилади.

Нафақа “проактив тарзда тайинланади, яъни фуқаролардан алоҳида ариза талаб этилмайди. Зарур маълумотлар электрон тизимлар орқали олинади. Тўловнинг дастлабки беш куни учун иш берувчи, олтинчи кундан бошлаб эса Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси маблағ ажратади. Ойнинг 1-15 саналарида тайинланган нафақа шу ойнинг 25-санасигача, 16-31 саналарида тайинланган нафақа эса кейинги ойнинг 10-санасигача молиялаштирилади.

Ушбу тартиб касаллик даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг даромадларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

ТАҲЛИЛ

2025 йилда мамлакатимизда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллик даражаси 68,2 фоизни ташкил этди. Бу 2024 йилга нисбатан 2,2 фоизга юқорилаган. Дастлабки қарашда ушбу ўсиш ижобий жараёндан дарак беради.

Барча учун бир хил дастур натижа бермаяпти

Бу борадаги энг муҳим омил — эҳтиёж, билим ва яшаш манзили

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти маълумотлари асосида тайёрланди.

Бироқ рақамлар ортидаги ҳолатни чуқурроқ таҳлил қилсак, имкониятлар ҳудуд ва ижтимоий гуруҳлар кесимида бир хил эмаслиги аён бўлади.

Хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги Тошкент шаҳрида 83,8 фоизни, Навоий вилоятида 75,7 фоизни, Андижон вилоятида 71,7 фоизни, Тошкент вилоятида 70,7 фоизни, Хоразм вилоятида эса 68,8 фоизни ташкил этган. Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткич 61,6 фоиз, Қашқадарё вилоятида 62,8 фоизга тенг.



Демак, энг юқори ва энг паст кўрсаткичлар ўртасида 22,2 фоизлик фарқ мавжуд. Бу тафовут меҳнат бозоридаги имкониятлар, иш ўринларининг мавжудлиги, хизматлар соҳасининг ривожланиши ва касбий тайёргарлик имкониятлари ҳудудларда турлича эканини кўрсатувчи муҳим белгидир.

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти ўтказган таҳлилда шаҳарлашув даражаси ва хизматлар соҳасининг ривожланиши хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги билан ижобий, ишсизликнинг ортиши эса салбий боғлиқликка эга экани қайд этилган.

Республика ҳудудларида 2 398 нафар хотин-қиз иштирокида ўтказилган сўров ҳамда унга асосланган таҳлиллар иқтисодий фаолликка турлича таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш имконини берган. Таҳлиллар натижасида хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари ва меҳнат бозоридаги иштирокига кўра, бешта гуруҳга ажратилган.

Уларнинг 8 фоизини иқтисодий имкониятлари чекланган, молиявий саводхонлиги паст хотин-қизлар ташкил этади. Бу гуруҳ учун касб-ҳунарга ўқитиш, молиявий билимларни ошириш ва манзилли бандлик дастурлари муҳим.

Тажрибали шаҳар хотин-қизлари сўров иштирокчиларининг 17,8 фоизини ташкил этган. Уларнинг касбий ўсишини қўллаб-қувватлаш, раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш, “устоз-шогирд” тизимини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга эътибор қаратиш лозим.

Яна бир гуруҳ — таълим, меҳнат ва касбий тайёргарлик жараёнларида иштирок этмаётган аёллар бўлиб, уларнинг улуши 10,7 фоизни ташкил қилади. Бу ҳолат алоҳида ёндашувни талаб этади. Чунки меҳнат бозоридан узоқлашган ёшлар вақт ўтиши билан касбий тажриба ва рақобатбардошликни йўқотиши мумкин. Қисқа муддатли касбий курслар, рақамли таълим ва иш берувчилар билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик уларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ жойларда яшовчи, олий маълумотли ва бандлиги юқори хотин-қизлар 17,2 фоизни ташкил этган. Бу гуруҳнинг имкониятларини кенгайтириш учун кооперация, имтиёзли молиялаштириш, электрон савдо ва янги бозорларга чиқиш имкониятларини ривожлантириш зарур.

Сўровдаги энг катта гуруҳ — рақамли кўникмалари юқори бўлган ёш хотин-қизлар. Улар иштирокчиларнинг 46,4 фоизини ташкил этган. Бу салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун ёшларнинг биринчи иш ўрнига эга бўлиши, илк лойиҳаларини йўлга қўйиши, мутахассислардан тажриба ўрганиши ва молиялаштириш имкониятларига эга бўлиши муҳим.

Ушбу гуруҳлар таснифи битта муҳим хулосага олиб келади: барча хотин-қизларга бир хил дастур таклиф қилиш ўрнига, уларнинг эҳтиёжи, билими, яшаш жойи ва меҳнат бозоридаги мавқеидан келиб чиқиб иш тутиш керак.

Бундан ташқари, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган аёлларга молиявий ва маслаҳат кўмаги кўрсатилиши, қишлоқ жойларда рақамли хизматлар ва электрон савдодан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилиши зарур. Шунингдек, болаларни парваришлаш хизматларининг қулайлиги, хавфсиз меҳнат шароитлари ва иш жойида тенг имкониятлар яратилиши ҳам аёлларнинг иқтисодий фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади.



Октябрь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “МАЪРИФАТ — КЕЛАЖАК КОДИ” ҲАФТАЛИГИ ташкил этилади.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЧЕГАРАСИДАН ID-карта орқали ўтиш тартибини жорий этиш тезлаштирилади.



Транспорт вазирлиги: МАҲАЛЛАЛАРНИ ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШ даражаси 98,8 фоизга етди.

Дипломгача тўрт йил, аммо тажрибага қачон вақт топилади?

Давлатимиз раҳбарига жорий йил 29 сентябрь куни олийгоҳлар ва корхоналар ҳамкорлигида дуал таълимни ташкил қилиш бўйича тақдимот қилинди. Унда ота-оналар, талабаларни анчадан бери ўйлантираётган масала — олий таълимда олинган билимни амалиёт билан боғлаш, ёшларни касбга тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган таклифлар илгари сурилди.



Нурмуҳаммад ҚОДИРЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети талабаси.

Ўзим ҳам талабаман. Шу боис ўқиш, амалиёт ва ишга жойлашиш билан боғлиқ муаммолар менга бегона эмас. Атрофимда дипломи бўлса-да, ҳали ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаган ёшлар бор. Уларнинг ҳаммасини ҳам дангаса ёки ҳаракатсиз, деб бўлмайди. Ҳужжат топширишади, суҳбатларга боришади, “Ўзимиз қўнғироқ қиламиз”, деган жавобни эшитиб қайтишади. Аммо қўнғироқ бўлмайди. Баъзилари яна иш излашда давом этади, бошқалари эса йиллар давомида ўқиган соҳасига алоқаси бўлмаган ишда ишлашга мажбур бўлади.

Нега шундай? Ахир, диплом олишнинг ўзи осон эмас. **Йиллар давомида ўқимиз, имтиҳон топширамиз, вақт ва маблағ сарфлаймиз. Бироқ меҳнат бозорига қадам қўйганимизда, дипломнинг ўзи иш берувчини ишонтириш учун етарли бўлмай қолади.** Чунки иш берувчига муайян вазифани бажара оладиган, муаммога ечим топадиган ва жамоа билан ишлайдиган ходим ҳам керак.

Биринчи муаммо — ўқишда олган билимимизни иш жараёнида қўллай олишимизда. Кўп фанларни имтиҳондан ўтиш учун ўқиймиз, имтиҳондан кейин эса уларнинг бир қисми хотирамиздан кўтарилади. Талаба назарий саволга тўғри жавоб бериши мумкин, аммо шу билим асосида мустақил қарор қабул қилиш, амалий вазифани бажариш ёки кутилмаган муаммога ечим топишда қийналади. Амалиёт эса ҳамиша ҳам бу бўшлиқни тўлдирмаяпти.

Иккинчи муаммо — тажриба талаб қилишади, аммо уни қаердан олиш керак? Деярли ҳар бир иш эълонида “камида бир йиллик иш тажрибаси”, деган талабни учратиш мумкин. Лекин иш берувчи тажрибасиз номзодни қабул қилмаса, ёш мутахассис бу тажрибани қаерда орттиради? Албатта, иш берувчини ҳам тушуниш мумкин. Янги ходимни ўргатишга вақт ва маблағ кетади. Аммо барибир бу ерда бир зиддият бор: иш берувчи тажрибали ходимни кутяпти, университет талабага назарий билим беряпти, талаба эса тажриба тўплаш учун ишга киришга ҳаракат қиляпти.

Учинчи масала — дипломдан ташқари, қўлингда қандай ҳунар бор? Бугун чет тилини билиш, компьютерда эркин ишлаш, маълумот билан ишлай олиш ва ўз фикрини аниқ ифодалаш кўплаб касбларда муҳим талабга айланган. Афсуски, барча талабалар бу кўникмаларни университетда тўлиқ эгаллай олмайди.

Ҳудудлар ўртасидаги фарқни ҳам унутмаслик керак. Гуруҳимизда турли вилоят ва шаҳарлардан келган талабалар бор. Суҳбатлашганимизда, амалиёт ўташ ёки ўқишдан ташқари иш топиш имкониятлари ҳаммада бир хил эмаслиги сезилади. Йирик шаҳарда муайян соҳага ихтисослашган корхона ва ташкилотларни топиш осонроқ. Олис туманларда эса шу соҳадаги иш ўринлари камлиги боис талаба тажриба орттириш имкониятидан маҳрум қолиши эҳтимол.

Албатта, бу жараёнда талабанинг шахсий интилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Ёшлар келажагини фақат диплом олиш билан боғлаб қўймаслиги, биринчи босқичданоқ танлаган соҳасига оид талабларни ўрганиши, ўз устида ишлаши, лойиҳаларда қатнашиши ва имкони борича амалий тажриба тўплаши керак. Бироқ ҳар бир талабадан бундай имкониятларни мустақил равишда излаб топишни кутиш ҳам етарли эмас. Бунинг учун олийгоҳлар йўл очиши, иш берувчилар эса ёшларга ўз салоҳиятини намоён этиш имконини бериши зарур.

Айнан шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарига тақдим этилган дуал таълимни ривожлантиришга оид таклифлар муҳим аҳамият касб этади. Тақдимотда Германия тажрибаси асосида дуал таълим тизимини йўлга қўйиш, учинчи ва тўртинчи босқич талабаларининг камида 80 фоизини — 185 минг нафар ёшни ушбу таълим шаклига қамраб олиш белгиланган маълум қилинди.

Янги моделда олийгоҳ, корхона ва талаба ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида ташкил этилади. Ўқув дастурлари корхоналар эҳтиёжидан келиб чиқиб мослаштирилади, талабага иш жойида малакали мураббий бириктирилади. Амалиёт ўқиш билан бир вақтда ёки соҳа хусусиятидан келиб чиқиб алоҳида даврда ташкил этилиши мумкин. Шунингдек, корхонага талаба учун тўланган иш ҳақининг 50 фоизини қоплашга қаратилган субсидия ва бошқа имтиёзлар тақдим этилиши кўзда тутилган.

Бу таклифларнинг аҳамияти шундаки, улар талаба, олийгоҳ ва иш берувчини бир-биридан узоқ учта тараф сифатида эмас, балки ягона жараён иштирокчилари сифатида бирлаштиради. Талаба ўқиш давомида касбий муҳитга кириб боради, корхона ўз эҳтиёжига мос мутахассисни тайёрлашда иштирок этади, олийгоҳ эса таълим натижаларини меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштириш имкониятига эга бўлади.

НУҚТАИ НАЗАР

Бу жараёнда айрим жиҳатларга эътибор қаратмоқ керак. Талабани корхонага бириктиришнинг ўзи етарли эмас. Унга аниқ вазифалар берилиши, эгаллаган кўникмалари баҳоланиши ва ўқиш давомида касбий ўсиши кузатиб борилиши лозим. Корхоналар ҳам талабани келажакдаги малакали мутахассис сифатида кўриши керак.

Мен ҳозир биринчи босқичда ўқийман. Олдинда тўрт йил бор. Шу вақт ичида фақат имтиҳонларга тайёрланиб, диплом олишни кутиш ҳам мумкин. Лекин тўрт йил давомида бирор амалий кўникмани эгаллаш, лойиҳаларда қатнашиш, ўз соҳамдаги мутахассислардан ўрганиш ва бажарган ишларимни тўплаб бориш имконияти ҳам бор. Битирув куни қўлимда дипломдан ташқари, иш берувчига кўрсата оладиган натижаларим бўлишини истайман. Менимча, дуал таълим тизимининг энг катта ютуғи ҳам шунда намоён бўлади: у ёшларнинг ишга жойлашиш муаммосини диплом олгандан кейин эмас, талаба бўлиб турган пайтидан ҳал этишга хизмат қилади.

МУЛОҲАЗА

Бугун тингламасак, қачон тинглаймиз?..

Бир пайтлар кечқурун ҳовлилар олдига курсилар қўйилиб, соя-салқинда қўшнилар бир пиёла чой устида гаплашар, кимнингдир дарди бўлса, эшитадиган қулоқ топиларди. Болалар мактабдан келиб, куни қандай ўтгани, нималар содир бўлганини айтиб берар, ота-оналар эса ишини бир четга суриб, фарзандини тингларди...



Нигора РАҲМОНОВА, журналист.

Бугун-чи? Бугун ҳамма гапиради. Лекин тинглайдиган одам камайиб бораётгандек.

Бир хонадонда ҳамма бирга ўтиради. Аммо ҳар кимнинг кўзи телефонда. Фарзанд: “Ойи, бир нарса айтсам…” дейди. “Ҳозир”, деган жавобни олади. Ўша “ҳозир” эса баъзан кунларга, ҳатто йилларга чўзилади.

Аслида, инсоннинг энг катта эҳтиёжларидан бири — уни кимдир чин дилдан эшитиши. Маслаҳат эмас, танбеҳ эмас, фақат тинглаш.

Кўплаб ота-оналар фарзандига кийим-кечак сотиб олади, овқатини тайёрлайди, яхши таълим беришга ҳаракат қилади. Лекин унинг қалбида нима кечаётганини эшитишга вақт тополмайди. Кейин эса: “Нега фарзандим мен билан дардлашмай қўйди?” деб ҳайрон бўлади.

Фақат фарзандлар эмас… Эр-хотин бир уйда яшайди, аммо бир-бирини эшитмайди. Дугоналар бирга қаҳва ичади, лекин суҳбатнинг ярми телефон экранига қараб ўтади. Қўшнилар бир деворнинг икки томонида яшайди, аммо ойлаб ҳол-аҳвол сўрамайди.

Энг хавфлиси шундаки, инсон тингланмагани сари дардини ичига юта бошлайди. Айтилмаган дард йиғилади, йиғилган дард эса бир куни аламга, ғазабга ёки бефарқликка айланади. Кўплаб оилавий низолар бир кунда пайдо бўлмайди. Улар йиллар давомида айтилмай қолган гаплар, эшитилмай қолган ҳис-туйғулар ва эътиборсиз қолган қалблар устига қурилади.

Бу ҳолатнинг яна бир сабаби бор. Биз дарров хулоса чиқаришга ўрганиб қолдик. Таниш ёки яқин инсонимизни айтаётган гапи тугамасидан маслаҳат берамиз ёки айблаймиз. Бу эса одамларни бир-биридан узоқлаштиради. Бир уйда яшаб ҳам бегона бўлиб қолишнинг сабаби шу.

Энг ачинарлиси, эшитилмаган бола бир куни гапиришдан тўхтайди. Эътибор топмаган инсон эса бошқа жойдан меҳр излайди. Баъзи ёшлар нега ижтимоий тармоқларда нотаниш одамларга дардини айтади? Нега айримлар уйида айтолмаганини бегонага сўзлайди? Чунки инсон, аввало, уни эшитадиган қулоқ излайди.

Жамиятда ҳам худди шундай. Бир-бирини тинглаш маданияти сусайса, ишонч камаяди. Ишонч камайган жойда эса бефарқлик кучаяди. Бефарқ одам қўшнисининг дардига ҳам, маҳалласининг муаммосига ҳам, жамият тақдирига ҳам лоқайд қарай бошлайди. Бефарқлик эса ҳар қандай жамият учун энг хавфли иллатлардан биридир.

Яхши суҳбатдош — энг чиройли гапирадиган одам эмас. Яхши суҳбатдош — сиз гапираётганда телефонни четга қўя оладиган, кўзингизга қараб тинглай оладиган инсон.

Бугун уйга борганингизда фарзандингиздан: “Кунинг қандай ўтди?” деб сўранг. Жавобини бўлмасдан, охиригача эшитинг. Ота-онангизга қўнғироқ қилинг. Қўшнингизнинг ҳолидан хабар олинг. Дўстингизга: “Сени эшитишга вақтим бор”, деган ҳисни беринг.

Балки катта муаммоларнинг ечими баланд минбарларда эмасдир. Балки у ҳар бир хонадонда, ҳар бир суҳбатда, бир инсоннинг иккинчи инсонга самимий қулоқ тутиши билан бошланар...

“Хўжайин” деб кимга хитоб қиляпмиз?

ФИКР

Кейинги йилларда раҳбарларга “хўжайин”, деб мурожаат қилиш урфга айланди. Айниқса, ҳоким, прокурор, суд раисига нисбатан ушбу мурожаат шаклини ишлатилишини ўта ноўрин, деб ҳисоблайман. Ҳар гал ходим бошлиғининг ҳозирида ёки ғойибида “хўжайин”, деб мурожаат қилганда, ўзимни қўйишга жой тополмайман, бу жуда эриш туюлади.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳридаги “Боғимайдон” маҳалласи раиси.

Аслида, бизда азалдан “хўжайин” деганда, хусусий мол-мулк эгаси, яъни мулкдор, бой одам тушунилган. Бу, шунингдек, сўзлашув тилида аёлнинг турмуш ўртоғига мурожаат шаклига айланган.

Ушбу атаманинг кимгадир нисбатан ишлатилиши мурожаат қилганнинг ўша кишига мутелиги, қарамлигини, ҳамма ишда унга бўйсунишга тайёрлигини англатмайдими? Шу кунларда давлат идораларида расмий иш муҳитида раҳбарга “хўжайин”, деб мурожаат қилиш нотўғрилигини ва бу ўрта асрларга хос эканлигини англаш шунчалик қийинми?!

Мурожаат этикаси бўйича раҳбарга “хўжайин” деб мурожаат қилиш расмий ва профессионал иш муҳитида ноўрин саналиши лозим. Албатта, раҳбарга ҳурмат билан мурожаат этиш лозим. Аммо бунда субординацияни сақлаган ҳолда ва ўзини камситмасдан мулоқотга кириш айни муддаодир.



Биз кўп йиллар давомида раҳбарга исми ва отасининг исми билан мурожаат қилиб келдик. Ушбу шакл ҳозир ҳам айрим корхона ва ташкилотларда, масалан, тиббиёт ходимлари ўртасида сақланиб қолган. Аммо айримлар бу рус мурожаат этикетидан келиб чиққан деб, ундан воз кечишни афзал кўрмоқда. Шундай бўлса, ҳаммамиз “хўжайин” атамасига ўтамизми?

Ушбу саволга жавоб топиш учун, яъни раҳбарга қандай мурожаат қилиш лозимлигига аниқлик киритиш масаласини мутахассислар иштирокида кенг муҳокама қилсак, тўғри бир тавсия ишлаб чиқилса керак.

Интернет кенгликларини чўқалаб, бу борада айрим тавсияларга кўзим тушди.

Исми ва ота исмини айтиш; исмига “ака”, “опа” ёки “хоним”, “жаноб” сўзларини қўшиш; лавозими билан мурожаат қилиш, масалан, “Жаноб директор”, “Устоз”, “Раҳбар” (ички ишлар органларида кўпинча “ўртоқ бошлиқ” деб мурожаат қилинишига гувоҳ бўламан).

Ушбу йўналишда изланишлар давомида шарқ маданиятида шу кунларда мурожаат этикети қандайлигини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

СЎЗЛАРДА МАЪНО БОР, МАЪНОДА ФИКРАТ...

“ҚЎЛ УЧИДА...” ЭМАС, “ЕНГ ШИМАРИБ...” ВА “БЕЛ БОҒЛАБ...”

Ўзбекона иборалар халқимизнинг ҳаётга, ҳодисаларга муносабати ҳайратланарли даражада аниқ, мантиқан расо акс этадики, бизнингча, бу — халқнинг ўз кўрган-кечирганлари асосида хулосага келгани — “етти ўлчаб бир кесгани”дан. Ўзбек тилидаги “енг шимариб”, “қўл учида”, “бел боғлаб” иборалари халқимиз синчилик салоҳиятининг ана шундай намуналаридир.



Ёрқинжон ОДИЛОВ, филология фанлари доктори, профессор.

“Енг шимариб...” “Астойдил, жон-жаҳди билан” маъносини билдиради. Бу иборанинг юзага келиши халқимизнинг кийиниш маданияти билан боғлиқ.

Маълумки, аввал енги калта кийим кийиш урф бўлмаган, айниқса, ўзбек аёллари кийимларининг енги, шаръий қоидаларга кўра, қўл бармоқлари бошланадиган жойгача бўлган. Шу сабабли бирор юмуш бажаришдан олдин кир бўлмаслиги, халақит қилмаслиги учун кийим енги шимариб олинган. Натижада “енг шимариб” бирикмаси кўчма маънода қўлланишни бошлаган ва шу кўчма маъноси билан бирга иборалашган.

“Қўл учида...” “Астойдил эмас, истар-истамас; шунчаки, юзаки”; “ночор аҳволда, камбағалчилик билан” маъноларини билдиради.

Бу иборанинг юзага келиши ҳам халқимизнинг кийиниш маданияти билан боғлиқ. Айрим вақтларда енгил-елпи юмушлар кийим енгини шимармай, қўл учида ҳам қилинган. Аммо ҳозирги кунда фақат қўлнинг уч қисми билан қилинадиган жисмоний меҳнатни эмас, ҳар қандай хатти-ҳаракатни “номига, истаб-истамай, шунчаки, юзаки” бажариш ҳолатига нисбатан “қўл учида” ибораси қўлланади.

“Бел боғлаб...” “Бирор ишни қилишга астойдил киришмоқ” маъносини билдиради.

Азалдан ўзбек эркаклари тўн ёки яктак устидан белбоғ боғлаган. Табиийки, алоҳида эътибор ва жисмоний куч талаб қиладиган юмушни бажаришдан аввал кишилар уст-бошини ишга мослаб олган. Албатта, бунда белбоғ ҳам маҳкам боғланган. Шундай хатти-ҳаракатни ифодалашда “белни боғламоқ” бирикмаси қўлланган. Кейинчалик ҳар қандай ишга жон-жаҳди билан киришишга нисбатан “бел боғлаб” ибораси қўллана бошланган.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Афғонистоннинг Қобул шаҳрида ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИГА бағишланган анжуман ўтказилди.



ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ 24 ТА МАҲАЛЛАДА 46 километр ички йўлларга аҳоли мурожаатлари асосида шағал ётқизилади, асфальтланади.



Тошкент шаҳрида дин ва жамоат етакчилари учун замонавий МЕДИА БЎЙИЧА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ бўлиб ўтди.

НУҚТАИ НАЗАР

Автомобилни ўз номига ўтказиш нега қимматга тушади?

МАШИНА ЭГАЛАРИНИ ИШОНЧНОМА БИЛАН ЮРИШИГА САБАБ ШУМИ?

Бугун автомобиль бозорини кузатар экансиз, нархлар пасаяётганидан қувонасиз. Илгари ўртача ойлик даромад билан яшайдиган оилалар учун орзу бўлиб кўринган машина энди уларнинг ҳам имкониятига яқинлашмоқда. Айниқса, иккиламчи бозордан ўз чўнтагига мос автомобиль излаётганлар учун бу қувонарли ҳолат.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Дейлик, 30 миллион сўмга ишлатилган “Matiz” автомобилини сотиб олган киши уни ўз номига расмийлаштириш учун яна 6-7 миллион сўм атрофида қўшимча харажат қилишига тўғри келади. Бу маблағни топишга қийналган харидор машинани аввалги эгаси номида қолдириб, ишончнома асосида бошқаришга мажбур бўлади. Натижада амалда ўзиники бўлган автомобиль ҳужжатларда бошқа шахс номида қолади.

Бироқ масаланинг бошқа жиҳати бор: машина сотиб олишга маблағи етган одам уни ўз номига расмийлаштиришга келганда қийналиб қолса-чи? Бугун айрим фуқаролар айнан шу сабабли автомобилини тўлиқ расмийлаштириш ўрнига ишончнома асосида бошқаришни танламоқда. Демак, бозордаги нархларнинг пасайиши ҳали харидорнинг барча муаммолари ҳал бўлди, дегани эмас. Машина арзонлашиши мумкин, аммо унинг қонуний эгасига айланиш учун сарфланадиган маблағ ҳам аҳоли имкониятига мос бўлиши керак.

Хўш, автомобилни ўз номига ўтказиш ҳақиқатан ҳам қимматми? Бу саволга ҳиссиёт билан эмас, аниқ ҳисоб-китоблар орқали жавоб бериш мумкин. Масалан, иккиламчи бозордан бензинда ҳаракатланадиган автомобиль сотиб олган фуқаро олди-сотди шартномасини нотариусда тасдиқлатиши керак. Адлия вазирлигининг ҳуқуқий маслаҳат порталида келтирилишича, бунинг учун олди-сотди шартномасини тасдиқлашда давлат божи **БҲМнинг уч баравари, яъни 1 миллион 320 минг сўмни** ташкил этади. Бундан ташқари, герб йиғими учун **44 минг сўм,** тақиқ ва хатловни текширишга **66 минг сўм,** ҳуқуқий маслаҳат учун **22 минг сўм,** шартнома лойиҳасини тайёрлашга **44 минг сўм** тўланади. Жами нотариал расмийлаштириш харажатлари тахминан **1 миллион 496 минг сўмга** етади.

Кейинги босқичда автомобилни Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида қайта рўйхатдан ўтказиш, янги техник паспорт ва зарур бўлса, давлат рақами олиш керак. Қайта рўйхатдан ўтказиш учун **3 миллион 9 600 сўм,** техник паспортга **308 минг сўм,** янги оддий давлат рақами учун **2 миллион 420 минг сўм** тўланади. Демак, бу босқичдаги умумий харажат **5 миллион 737 минг 600 сўм**ни ташкил этади. Нотариал тўловларни ҳам қўшсак, автомобилни тўлиқ расмийлаштириш учун тахминан **7 миллион 233 минг 600 сўм** керак бўлади. Бу ҳисоб-китоблар оддий рақам олиш ва кўрсатилган нотариал хизматлар учун тўловларга асосланган; қўшимча хизматлар ёки бошқа ҳолатлар суммани ўзгартириши мумкин.

Бу маблағ автомобилнинг нархига қўшилганда, хариднинг ҳақиқий қиймати сезиларли даражада ошади. Агар харидорнинг жамғармаси машина сотиб олишнинг ўзигагина етган бўлса, расмийлаштириш харажатлари уни қийин аҳволда қолдириши мумкин. Бу ерда гап тўловлар умуман бўлмаслиги кераклиги ҳақида эмас. Масала — арзон автомобилни харид қилган фуқаро учун белгиланган тўловларнинг унинг даромади ва машина қийматига нисбатан қанчалик оғирлигида.

Масаланинг ечими сифатида ишлатилган ва бозор қиймати паст бўлган автомобилларни расмийлаштириш харажатларини қайта кўриб чиқиш лозим. Масалан, автомобилнинг қиймати ёки ишлаб чиқарилган йилига қараб табақалаштирилган тўловлар жорий этиш мумкин.

Қолаверса, **аввалги давлат рақамини сақлаб қолиш тартибини аҳоли учун тушунарли ва қулай қилиш** лозим.

Шунингдек, расмийлаштиришнинг **барча харажатларини олдиндан ҳисоблаб берадиган ягона электрон хизматни такомиллаштириш** зарур. Тўловларни **бўлиб тўлаш имкониятини** ҳам қонунчилик ва маъмурий харажатлар нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш мумкин.

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРИ

Шу кунларда Японияда давом этаётган Пара Осиё ўйинларида матонатли спортчимиз Ҳусниддин Норбеков ядрони 16,04 метрга улоқтириб, олтин медални қўлга киритди. Яна Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди. Бироқ бу ғалабани фақат навбатдаги медаль сифатида қабул қилиш камлик қилади. Чунки Норбековнинг спортдаги йўли ҳамиша ҳам олтинлар билан бошланмаган.

Медалдан оғирроқ меҳнат, ғалабадан ширинроқ туйғу...



Навоий шаҳрида туғилган Ҳусниддин профессионал спортга 2008 йилда кириб келган, бир йил ўтиб, терма жамоа сафида халқаро мусобақаларда қатнашишни бошлаган. Унинг жисмоний имкониятлари соғлом инсонларникидан фарқ қилса-да, бу ҳолат унинг орзу ва мақсадларига тўсиқ бўлиб қолмади. Аксинча, спорт унинг учун ўз кучини кашф этиш, ўзини намоён қилиш ва ҳаётдаги ўрнини топиш имконига айланди.


Унинг йўли енгил кечмади. 2012 йилги Лондон Паралимпиадасида тўртинчи ўринни эгаллагани унга осон бўлмаган. Ғалабага яқин туриб, медалсиз қайтишнинг аламини фақат катта мақсад билан яшайдиган спортчи ҳис қилади. У ҳатто спортни ташлаш ҳақида ҳам ўйлаган. Аммо мураббийи Игорь Шишковнинг ишончи ва далдаси унга яна куч берди. Унга ўз имкониятларига ишониш, машғулотларни давом эттириш ва катта ғалабалар сари интилиш учун руҳий таянч керак эди.

Норбеков орқага қайтмади. Мунтазам машғулотлар, интизом ва ўз устида ишлаш унинг кейинги ғалабаларига замин яратди. Жумладан, у кетма-кет уч марта — “Рио-2016”, “Токио-2020”, “Париж-2024” Паралимпиада ўйинларида ғолиб бўлди. Беш карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 2019 йилда Дубайда ўтган жаҳон биринчилигида ядро улоқтириш бўйича жаҳон рекордини (17,32 метр) ўрнатган ва бу рекорд ҳанузгача унга тегишли.

Унинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари ҳам эътиборга молик. Норбековнинг айтишича, мактаб даврида тенгдошлари футбол ўйнаганда баъзан уни ўйинга қўшишмаган, айрим давраларда эса ўзини бошқалардан ортда қолгандек ҳис қилган. Бугун эса ўша танишлари унинг ютуқларига ҳавас билан қарайди, фарзандларини спортга йўналтириш ҳақида маслаҳат сўрайди. Бу ўзгаришнинг замирида кўринадики, инсоннинг имкониятини унинг бугунги ҳолатига қараб баҳолаб, келажагига ҳукм чиқариб бўлмайди.

— *Ҳусниддин Норбековнинг ютуқлари ҳар биримизга ибрат,* — ***дейди Навоий шаҳридаги “Ҳаёт” маҳалласи раиси Музаффар Худойбердиев.*** — *Унинг ҳаёт йўли инсонда ирода, сабр ва мақсадга интилиш бўлса, қанчадан-қанча марраларни забт этиш мумкинлигини кўрсатади. Айниқса, ёшларимиз унинг матонатидан ўрнак олиб, ҳаётдаги қийинчиликлардан чўчимасликни ўрганишини истайман. Ҳусниддиннинг ҳар бир галабаси нафақат оиласи, балки бутун халқимиз учун фахр ва қувонч манбаидир.*

Ҳ.Норбековнинг Ватанимиз довруғини дунёга таратишдаги хизматлари муносиб эътироф этилиб, у **“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи” унвони, “Фидокорона хизматлари учун” ордени** билан тақдирланган.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ҲИДОЯТ БЕКАТИ

Ёқуббек ИХТИЁРОВ. Самарқанд вилояти:

— Онам, синглим ва турмуш ўртоғимга ишламасдан, уйда бўлишларини истаб, “Келажакда нафақа олишларингиз учун ўзим масъул бўламан”, деб ваъда берганман. Шунга кўра, ишламайдиган оила аъзоларим учун ҳар ой ижтимоий солиқ тўлаб, уларнинг келажакда пенсия олишини таъминласам, берган ваъдамни бажара оламанми?

Солиқ тўлаш нафақани соқит қиладими?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

— Эркак киши учун турмуш ўртоғи ишласа ҳам, ишламаса ҳам, уни нафақа билан таъминлаш вожиб бўлади. Агар ота вафот этган ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган бўлса, онанинг нафақаси барча фарзандлар зиммасига тушади. Сингилнинг нафақасига келсак, агар у бева қолган ёки ажрашган бўлса ва отаси ҳам вафот этган бўлса, уни таъминлаш ака-укалари зиммасига тушади.

Бироқ ваъдага вафо қилиш шариатимизда гўзал ахлоқлардан ҳисобланади. Шу боис, ваъда берган киши унга амал қилиб, яқинларининг нафақасини таъминлаб турса, савобга эришади. Улар учун ижтимоий солиқ тўлаш эса нафақани адо этиш ҳисобланмайди. Чунки кексалик пенсияси фуқароларга кексайганда ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда кўрсатиладиган ижтимоий таъминотдир.

Агар киши онаси, синглиси ва турмуш ўртоғи учун ижтимоий солиқ тўлаб, келажакда уларнинг пенсия олишларига замин яратмоқчи бўлса, бу зиммасидаги нафақа мажбуриятини бажариш ёки берган ваъдасини адо этиш ҳисобланмайди. Бу — уларнинг келажаги учун қилаётган алоҳида яхшилиги, моддий кўмагидир. Яъни улар учун ижтимоий солиқ тўлаш билан зиммасидаги нафақани таъминлаш икки алоҳида масаладир.

МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Бировнинг камчилиги бизга нега бунчалик қизиқ?..

Ёшлигимда ота-онам иш билан банд бўлган пайтларда кўпроқ бобо-бувимнинг ёнида улғайдим. Уларнинг эрка набираси эдим. Кексалар даврасида улғайган бола ҳаётга бошқачароқ нигоҳ билан қарашни ўрганар экан. Буни ўз тажрибамдан биламан.

Бегали ОЛИМОВ, Нишон тумани.



Бобомнинг суҳбатларида бировнинг камчилиги эмас, инсоннинг фазилатлари кўпроқ тилга олинарди. Кимнингдир яхшилиги, одоби, меҳнати, илмга интилиши ҳақида гап кетарди. Бошқаларнинг шахсий ҳаётини титкилаш, нуқсонини санаш ёки ортидан ёмон гапиришни деярли кўрмаганман. Улар яхшилик ҳақида гапиришни, яхшиликни кўришни ўргатишган. Бугун эса атрофга синчиклаб қарасам, бир савол хаёлимни банд қилади: **бировнинг камчилиги бизга нега бунчалик қизиқ?**



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Кимнингдир оиласидаги келишмовчилик, кимнингдир ажрашгани, кимнингдир даромади ёки кийими, яна бировнинг фарзанди, касби, ташқи кўриниши — суҳбатларимиз учун мавзу топиш қийин эмас. Бирор инсоннинг хатоси ошкор бўлса, уни муҳокама қилишга шошиламиз. Баъзан эса эшитган гапимизга ўзимиздан ҳам нимадир қўшиб, уни бошқаларга етказамиз. Энг ачинарлиси, бировнинг камчилигини муҳокама қилиш одамларни жуда тез бирлаштиради: бир неча дақиқа олдин бегона бўлганлар ҳам умумий “мавзу” атрофида яқинлашиб қолади.

...Бир куни дўстим ҳам суҳбат орасида бир танишимизнинг шахсий ҳаётини гапира бошлади. Аввалига жим тингладим. Сўнг ундан: “Биз бу ҳақда гапирсак, ўша инсоннинг ҳаётида нима ўзгаради? Бирор муаммосини ҳал қилишга ёрдам берамизми ёки шунчаки унинг камчилигини билишдан завқланяпмизми?”, деб сўрадим. Дўстим бир зум жим қолди, кейин гапни бошқа томонга бурди. Балки бу оддий савол унинг ҳам ўзига бир назар ташлашига сабаб бўлгандир. Баъзан инсонни узоқ насиҳатдан кўра, ўринли бир савол кўпроқ ўйлантиради.

Динимизда ҳам ғийбат қаттиқ қораланади. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида шундай марҳамат қиладилар: **“Агар айтган нарсанг биродарингда ҳақиқатдан ҳам бўлса, уни ғийбат қилган бўласан. Агар унда бўлмаса, унга бўҳтон қилган бўласан”** *(Имом Муслим ривояти).* Демак, одамларнинг камчилигини гапириш учун унинг рост бўлиши ҳам оқлов бўла олмайди. Шундай экан, биров ҳақида гапиришдан олдин ўзимиздан сўрайлик: бу гапим бирор муаммони ҳал қиладими ёки шунчаки бир инсоннинг обрўсига путур етказадими?

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар: Лазиз Мейликов, Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.

Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.

Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами: А2, 4 б.т.

8 309 нусхада чоп этилди.

Буюртма №: Г-1020